VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

31 (463) ● 2017 йил 2 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

НОГИРОНЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тизими яратилди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Шу билан бирга мазкур соҳада олиб борилаётган ишларни қониқарли деб бўлмайди.

Туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар кутилган натижани бермаяпти. Чақалоқларни перинатал скрининг кўригидан ўтказиш туғма нуқсонларни ўз вақтида аниқлашни ва ногиронликнинг кейинчалик олдини олишни таъминламаяпти.

Ёш болаларни ялпи комплекс скрининг кўригидан ўтказишни ташкил этиш ва олиб боришдаги камчиликлар реабилитация тадбирларини амалга ошириш учун қулай фурсатнинг бой берилишига ҳамда болалар ногиронлиги пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Ногиронлик гуруҳини аниқлаш ҳамда протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари билан таъминлашда тиббий-маслаҳат комиссиялари ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятидаги бюрократик тартиб-таомиллар бартараф этилмаган.

Шунингдек, ногиронлар учун реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш талаб этилади.

Ногиронларни ҳисобга олишнинг комплекс тизими мавжуд эмаслиги, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг етарлича жорий этилмаганлиги ногиронларнинг ижтимоий аҳволини мониторинг қилиш ва уларга ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини бермаяпти.

Ногиронликни аниқлаш учун тиббий-ижтимоий экспертиза ўтказишда қўлланилаётган мезонлар 40 йил аввалги услубиётга асосланган, мазкур соҳада чуқур илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги бу муаммони янада кучайтирмоқда.

Ногиронларга таълим бериш ва уларни ишга жойлаштиришнинг амалдаги тизими замонавий талабларга жавоб бермайди. Ногиронларни меҳнат фаолиятига жалб этиш ўртача 2 фоизни ташкил қилади, бу эса масъул идораларнинг ушбу соҳадаги иши қониқарсизлигидан далолат беради.

Баён этилганларни инобатга олиб, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, ногиронларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим олиш ва ишга жойлашишда уларга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилсин.

2. Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари сифатида белгилансин:

ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқлар, камчиликлар ва коррупциявий омилларни аниқлаш нуқтаи назаридан инвентаризация ва таҳлил қилиш;

ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳолатини, уларнинг таълим олиш ва ишга жойлашиш ҳуқуқлари амалга оширилишини, шунингдек, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини танқидий ўрганиш;

ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэътироф этилган нормалар ва стандартларни, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш;

тиббий-малакавий комиссиялар ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини шаффофлик ва очиқликни таъминлаш, тартиб-таомилларни ўтказишни соддалаштириш ва уларнинг муддатларини қисқартириш мақсадида қайта кўриб чиқиш;

ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш бўйича, биринчи навбатда, ногиронларни иш билан таъминлашга қаратилган ишлар аҳволини таҳлил қилиш;

ногиронлар учун протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва техник янгилаш, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ўрганишлар ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш;

ногиронларнинг жамоат транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш;

ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш, туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш соҳасидаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни, шу жумладан, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш ишларини тубдан кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

4. Комиссия:

бир ҳафта муддатда ўзига юклатилган вазифаларни сифатли ва муддатида бажаришни таъминлаш учун ишчи гуруҳлари ташкил этсин, шунингдек, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ўрганиш, ушбу соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқласин;

2017 йил 15 сентябрга қадар муддатда ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича асослантирилган таклифларни киритсин.

5. Комиссияга вазирлик ва идораларнинг мутахассисларини, республика илмий ва таълим муассасаларининг вакилларини, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг ресурслари ва экспертларини жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Масъул вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Комиссияга юклатилган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

7. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 1 август

2

Қонунчилик палатасида

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда кўриб чиқилган бир қатор масалалар, янги қонун лойиҳалари қуйи палата мажлисига қадар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг йиғилишида ҳам қизғин муҳокама қилинди.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЎзМТДП НУҚТАИ НАЗАРИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Фракция аъзолари, экспертлар, тегишли вазирлик, идоралар вакиллари, партия Марказий кенгаши ходимлари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар кенгашлари раҳбарлари ҳамда журналистлар иштирок этган йиғилишни фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти, партия фаоллари ва фракция аъзоларининг ушбу қарордан келиб чиқадиган муҳим вазифалари хусусида сўз юритилди.

— Мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, юрт-дошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини юксалтириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда, — деди ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов. — Мазкур йўналишдаги ишлар, айниқса, бугунги глобаллашув даврида авж олаётган терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, "оммавий маданият", наркобизнес ва бошқа таҳдидлар жараёнида янада долзарб аҳамият касб этади.

3

Миллий гурур

УМИДАДАН УМИДИМИЗ КАТТА



Шу йилнинг 10 июль куни мамлакатимиз тэквондо (WTF) усталари Жанубий Кореяда ўтказилган "Chuncheon Korea open – 2017" турнирида муваффақиятли иштирок этди. Катталар ўртасида Умида Абдуллаева ўз вазн тоифасида тенгсиз, деб топилди.

Кейинги йилларда қизларни спортга жалб қилиш борасида қандай катта натижаларга эришилаётгани, умуман, жамиятда, оилада қизларнинг спорт билан шуғулланишига бўлган муносабат ўзгарганини ёш спортчи ҳаёти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Тэквондо (WTF) бўйича Осиё чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Умида Абдуллаева Чирчиқ шаҳрида туғилган. Ўн ёшидан спортнинг яккакураш тури билан мунтазам шуғулланади.

6-бет

Партия кўмаги билан

ЯНГИ "УЙМА-УЙ" ЛОЙИҲАСИ:

УЮШМАГАН ЁШЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

ЎзМТДП фаоллари ҳамда депутатлари ҳамкорликда жойларда уюшмаган ёшлар билан доимий мулоқотда бўлишга, уларнинг муаммоларини ўрганиб, амалий кўмак беришга интилаётир.

Шу кунларда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари ва партия ташкилотлари ходимлари ЎзМТДПнинг янги "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган учрашувларда маҳаллаларда истиқомат қилаётган уюшмаган ёшлар ва хотин-қизлар билан мулоқот қилиб, уларни қийнаётган, ўйлантираётган муаммоларга ижобий ечим топишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, партия Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари ва депутатлар ҳудуддаги маҳаллаларда бўлиб, уюшмаган ёшлар ва хотин-қизларнинг талаб ва истакларини ўрганмоқда, бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Халқ депутатлари Оқолтин туман Кенгаши депутати Ойсулув Ўлжаева ва партия туман кенгаши ходимлари ҳудуддаги "Шодлик" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги хонадонларда бўлди. Ўрганишлар натижасида аввал маҳалладаги ишсиз ёшлар ва хотин-қизларнинг сони аниқланди, рўйхати тузилди. Уюшмаган ёш йигит-қизларнинг аксарияти уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, ҳунармандчилик тармоқларига ишга жойланди, қолганлари касб-ҳунар ўрганишга жалб этилди.

— Давлатимиз раҳбарининг соҳамиз вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида фаолиятимиз танқидий баҳоланиб, айниқса, уюшмаган ёшлар билан ишлашда амалий таклиф ва ташаббусларнинг камлиги таъкидланди, — дейди халқ депутатлари Оқолтин туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Ойсулув Ўлжаева. — Бундан тўғри хулоса чиқариб, депутат сифатида ўзим сайланган ҳудуд аҳолиси билан доимий мулоқотда бўлишга, айниқса, уюшмаган ёшларнинг қизиқишларини ўрганиш, бандлигини таъминлаш, аҳолининг тиббий хизматдан самарали фойдаланишини ваколатимиз доирасида назорат қилишга ҳаракат қилаяпман.

4

Маҳаллий Кенгашларда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 июлдаги видеоселектор йиғилишидаги маърузасида парламент, сиёсий партиялар ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, аниқ, ҳаётий вазифалар белгилаб берилгани ушбу йўналишда туб ўзгариш ва янгиланишларни бошлаб берди. Айни пайтда парламент аъзолари, депутатлар ҳамда сиёсий партиялар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар жойларда партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашларнинг иш услуби билан яқиндан танишиб, улар фаолиятини янги босқичга кўтариш борасида янги таклиф-ташаббусларни илгари сурмоқда. Ўрганишлар натижалари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида муҳокама қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИДИЙ РУҲДА

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси ҳам ана шу мавзуга бағишланди. Унда давлатимиз раҳбарининг дастуриламал маърузасидан келиб чиқадиган вилоят Кенгашининг устувор вазифалари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида вилоят ички ишлар бошқармаси олиб борган ишлар, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий соҳадаги фаолият ва бошқа масалалар муҳокама этилди. Мазкур масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Сессияда мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар ва сиёсий партияларнинг роли ва масъулияти ҳар қачонгидан-да муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

5



"MILLIY TIKLANISH"

— мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158



MILLIY TIKLANISH
31 (463) 2017 йил 2 август, чоршанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "НОГИРОНЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОЙИШИГА ШАРҲ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Мамлакатимизда кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тизими яратилди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Шу билан бирга туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар кутилган натижани бермаяпти.

Жумладан, жорий йил 1 январь ҳолатига **650 284** нафар шахс ногирон деб топилган, уларнинг 84 908 нафарини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Уларга ҳар йили Давлат бюджетидан **2,5 триллион сўм** миқдорида пенсия ва нафақалар тўланади.

Ўрганишлар соғлиқни сақлаш органлари томонидан ҳомиладор аёлларнинг 60 фоиздан ортиғи скрининг текширишлари билан қамраб олинмаганлигини кўрсатди. Касалликлар ўз вақтида аниқланмаганлиги оқибатида **3 568 нафар** бола туғма нуқсонлар билан туғилган.

Республикада чақалоқларга нисбатан ўтказилаётган перинатал скрининг тадқиқотлар фақат икки турдаги тадқиқотларни ўз ичига олади (қалқонсимон без гармони етишмовчилиги, ақлий қолоқликка олиб келадиган нуқсонлар) ҳамда бу туғма нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ва ногиронликнинг кейинчалик олдини олиш учун етарли бўлмаяпти.

Ёш болаларни ялпи комплекс скрининг тадқиқ этишни ташкил қилиш ва ўтказишдаги камчиликлар реабилитация тадбирларини амалга ошириш учун қулай фурсатнинг бой берилишига ҳамда болалар ногиронлиги пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Ногиронлик гуруҳини аниқлаш ҳамда протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари билан таъминлашда тиббий-маслаҳат комиссиялари ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятида бюрократик тартиб-таомиллар бартараф этилмаган. 2016 йилда ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг "ишонч телефони"га **5 521 та** мурожаат келиб тушганлиги ҳам бундан далолат беради.

Ногиронларни ҳисобга олишнинг комплекс тизими, ногиронларга имтиёзли шартларда бериладиган дори воситалари ва ортопедия буюмларининг ягона электрон ҳисоботи ҳамда ушбу соҳада шаффофликнинг мавжуд эмаслиги ногиронларнинг ижтимоий аҳволини мониторинг қилиш ва уларга ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини бермайди, алоҳида ҳолларда коррупция, талон-торож ва бошқа суиистеъмолчиликларни келтириб чиқаради.

"Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасида назарда тутилган ногиронларнинг кириши учун мослаштирилмаган ҳолда аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуришга, транспорт воситаларини ишлаб чиқаришга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги норма амалиётда тўлиқ рўёбга чиқарилмаяпти. Ногиронларнинг спорт, маданият, таълим ва бўш вақтини мазмунли ўтказадиган бошқа ижтимоий объектлардан эркин фойдаланиши лозим даражада таъминланмаган. Имконияти чекланган болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказадиган махсус жойларни ташкил этиш бўйича ташаббус мавжуд эмас.

Шунингдек, ногиронлар учун реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш бўйича корхоналарни модернизация қилиш талаб этилади.

Республикада ногиронлар учун протез маҳсулотлари ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш бўйича **7 та** корхона фаолият юритади, уларнинг атиги 2 таси замонавий талабларга жавоб беради. Бошқа корхоналарда фойдаланилаётган асбоб-ускуналар маънан ва жисмонан эскирган бўлиб, бу тайёрланадиган буюмларнинг, биринчи навбатда, протез-ортопедия буюмларининг сифати ва қулайлигига таъсир кўрсатади.

Ваколатли давлат органларининг ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолияти ёрдамга муҳтож шахсларни қидириш ва ҳисобга қўйишга хоҳиш йўқлиги сабабли, қоида тариқасида, айнан ногиронларнинг аризалари асосида ташкил этилади.

Ногиронларга таълим беришнинг амалдаги тизими замонавий талабларга жавоб бермайди, уларни меҳнат фаолиятига жалб этиш даражаси ўта паст ҳисобланади, бу масъул идораларнинг ушбу йўналишда етарли иш олиб бормаётганлигидан далолат беради.

Шу сабабли, давлат раҳбарининг жорий йил 1 августда қабул қилинган фармойиши билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилди.

Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, ногиронларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим олиш ва ишга жойлашишда уларга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида фармойишга мувофиқ **Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия** ташкил этилди.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқлар, камчиликлар ва коррупциявий омилларни аниқлаш нуқтаи назаридан инвентаризация ва таҳлил қилиш;

ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳолатини, уларнинг таълим олиш ва ишга жойлашиш ҳуқуқлари амалга оширилишини, шунингдек, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини танқидий ўрганиш;

ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэътироф этилган нормалар ва стандартларни, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш;

тиббий-малакавий комиссиялар ва тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини шаффофлик ва очиқликни таъминлаш, тартиб-таомилларни ўтказишни соддалаштириш ва уларнинг муддатларини қисқартириш мақсадида қайта кўриб чиқиш;

ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш бўйича, биринчи навбатда, ногиронларни иш билан таъминлашга қаратилган ишлар аҳволини таҳлил қилиш;

ногиронлар учун протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва техник янгилаш, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ўрганишлар ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш;

ногиронларнинг жамоат транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш;

ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда олдини олиш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини, шу жумладан, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш ишларини тарғиб қилишни тубдан кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Бундан ташқари, Комиссияга ўзига юклатилган вазифаларни сифатли ва муддатида бажаришни таъминлаш учун ишчи гуруҳлари ташкил этиш, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ўрганиш, ушбу соҳадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш бўйича тадбирлар режасини тасдиқлаш, шунингдек, жорий йил 15 сентябрга қадар муддатда ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича асосланган таклифларни киритиш топширилди.

Фармойишда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштиришга, таълим олиш ва ишга жойлашишда уларга ҳар томонлама кўмаклашишга, коррупциявий кўринишлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга, пировард натижада ногиронлар тўлақонли ҳаёт кечириши учун зарур шароитларни яратишга хизмат қилади.

Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 28 июлда қабул қилинган "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги қарорини бутун халқимиз, айниқса, маънавий-маърифий соҳа вакиллари ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари ва электорати кўтаринки руҳда кутиб олди.

ҲАЁТИМИЗДА МАЪНАВИЯТ ЮКСАК ЎРИН ТУТАДИ

Айтиш керакки, ушбу қарор бугунги кун учун ниҳоятда муҳим ва долзарб аҳамиятга эга ҳужжат бўлди. Негаки, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва ахборот курашлари кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали глобаллашув шароитида маънавий-маърифий ишларни замон талаблари даражаси ва асосида ташкил этиш нечоғлик муҳим экани ҳаётни тушунган, замон руҳини англаган ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмаслиги табиий.

Тан олайлик: ёшлар тарбиясида самарали механизм сифатида оила-маҳалла-таълим муассасаси тизими кутилган натижаларга эришиш имконини бермади. Чунки ўтган даврда уюшмаган, яъни ҳеч қаерда ўқимайдиган ёки ишламайдиган ёшлар мақсадли ғоявий-тарбиявий ишлардан четда қолди. Бунинг оқибатида навқирон, тоғни урса талқон қиладиган айрим ёшларимизнинг жиноят кўчасига, экстремистик ва террористик ҳаракатларга қўшилиб кетиши каби ҳолатлар рўй берди. Ёки бўлмаса, ота-боболаримиздан мерос одатлар, анъана-ю қадриятларга эътиборсизлик жамиятда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Шунинг учун ҳам ёшларнинг барча қатламини қамраб оладиган, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси юксалишига, эл-юрт тақдири учун масъуллик ҳисси ошишига хизмат қиладиган муайян марказ зарурати мавжуд эди. Шу маънода қабул қилинган мазкур қарор халқимиз маънавий-маърифий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Қарорга мувофиқ Республика Маънавият тарғибот ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказларини бирлаштириб, уларнинг негизида Республика Маънавият ва маърифат марказининг қайта ташкил этилиши маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқишга замин яратади.

Чунки марказ зиммасига мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг қонунчилик асослари мазмун-моҳиятини аҳолига етказишга қаратилган тарғибот ишларини олиб бориш вазифаси қўйилаётир. Бу ишлар тизимли равишда ташкил қилиниши ва изчиллик касб этиши белгиланмоқда. Бу эса қуруқ, номигагина тадбир ўтказиш амалиётидан воз кечишни талаб этади. Шу мақсадда олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилар ва кенг жамоатчилик вакилларидан иборат "Маърифат" тарғиботчилар жамияти шакллантирилиши ва доимий фаолият олиб боришининг йўлга қўйилиши бу борадаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

"Маърифат" тарғиботчилар жамияти ҳаётимизнинг барча қирраларини қамраб оладиган, баъзида эътиборимиздан четда қоладиган воқеа-ҳодисалар — дунёда кечаётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнлар, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, "оммавий маданият", наркобизнес ва бошқа таҳдидларни зудлик билан ва тўғри талқин қила олиши, уларнинг оқибатлари ҳақида теран мушоҳада билан муносабат билдириши ўта муҳим ва долзарб масаладир. Бундан ташқари, бир қатор ички таҳдидлар ҳам борки, улар нафақат жамиятимизнинг тинчлик ва осойишталигига раҳна солиши мумкин, балки айирмачилик, ўзини бошқалардан устун қўйиш ва оқибатда бузғунчилик ғояларининг тарқалишига сабаб бўлади. Шу боис "Маърифат" тарғиботчилар жамияти эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиб, амалга ошириши жуда муҳим. Бу борада мамлакатимизда халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Қарорга мувофиқ олиб бориладиган тарғибот ишларининг самарасини ошириш мақсадида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга оладиган ёндашувни жорий этиш, самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлаш учун социологик тадқиқотлар ўтказиш зарурлиги белгилаб қўйилмоқда. Бу олиб бориладиган ишларга илмий-ижодий ёндашишга замин яратади, зерикарли ва бир ёқлама, аудитория эътиборини тортмайдиган тадбирлардан воз кечиш, янгича услуб ва шаклларни татбиқ этиш орқали ўзига хос иштиёқ уйғотиши лозим. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим номланиши "маънавий-маърифий тадбир"лар "фалон тадбирни ўтказдикми — ўтказдик" қабилида номигагина ташкил этилаётгани, ўта қуруқ ва ижодий ёндашув умуман сезилмаслиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам қарорда таъкидланганидек, тадбирлар жонли тарзда, таъсирчан, керак бўлса, ёшларнинг ўзларини тинглаган ҳолда, улар ҳали эшитмаган янгиликларни етказган тарзда ташкил этилиши лозим. Масалан, бадиий адабиёт намуналаридан мисоллар келтириб, ўша асарнинг ғояси ҳақида фикр юритилиши ҳам ёшларни қизиқтиради. Чунки аудиториянинг нафасини ҳис этмасдан мазмунли тадбир ташкил этишнинг имкони йўқ.

Қарорнинг энг муҳим ва эътиборли жиҳати шундаки, илгари Республика Маънавият ва маърифат кенгашига жамоатчилик асосида раислик қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига юклатилган бўлса, қайта ташкил этилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашига жамоатчилик асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти раислик қилади. Бу эса мазкур соҳадаги фаолиятни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, соҳа вакилларининг мақоми ошиши улар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Марказ раҳбари ва ўринбосарлари мақоми тегишли равишда вазир ва унинг ўринбосарлари мақомига тенглаштирилиши, маиший, тиббий ва транспортдан фойдаланишда ҳам шундай шароитлар яратилиши давлатимиз томонидан соҳага қаратилаётган эътибор даражасини белгилайди.

Кўриниб турибдики, бугунги мураккаб глобаллашув даврида миллий маънавият, миллий ўзлик ва маданиятни асраб қолиш, ўз мустақил фикри, дунёқараши ва эътиқодига эга, юксак ахлоқли ёшларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим масалаларидан. Шу боис ҳам маънавий-маърифий тадбирлар шакл-шамойили ва мундарижасини бугунги даврнинг ана шундай ўткир ва долзарб талабларидан келиб чиқиб белгилаш, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилаётган улкан ютуқ ва марралар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб-ташвиқ қилиш маънавият тарғиботчилари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Айниқса, ёш авлоднинг онгу тафаккурини бойитиш, улар қалбини эзгу ғоялар, ойдин орзулар билан тўлдиришда Республика Маънавият ва маърифат маркази ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида ҳам маънавий-маърифий вазифаларга кенг ўрин берилган. Эътиборлиси, ана шу дастурий мақсадларнинг ижроси қарорда белгилаб берилган вазифалар ҳаётга нечоғлик самарали татбиқ этилиши билан бевосита боғлиқ. Шу боис партия фаоллари ҳам бу борадаги ишларни қайта кўриб чиқиши, бу йўналишда барчамиз ҳамжиҳатликда иш олиб боришимиз — Марказ фаолиятига яқиндан кўмак бериш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жуда муҳим. Ана шундагина кўзланган маррага эришиш мумкин.



Ўрол ҲАИТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

XXI аср — ахборот асри сифатида тарихга кирди. Ахборотлар оқими шу даражада кучайиб кетдики, очиғини айтганда, биз баъзан уларнинг қулига айланиб қолмоқдамиз, қайси бири биз учун фойдали-ю, қай бири зарарли эканини англаб ҳам етолмаяпмиз. Натижада билим савияси саёз, воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлмаган айрим ёшлар турли қинғир йўлларга кириб кетмоқда. Шу боис ҳам тарбия соҳасида бугун, шу соатда бажарилмаган, эътибор қилинмаган вазифа эртага ўзининг нохуш оқибати билан жиддий зарар етказиши мумкин.

Ёшларимизни ғаразли кучлар тузоғидан сақлаш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат муҳитини кучайтириш учун, мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарғибот ишларини янада такомиллаштириш, уларнинг изчиллиги ва самарасини ошириш, уларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтиришимиз лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги қарори айни шундай мақсадга қаратилган. Маънавий-маърифий ислоҳотларнинг моҳиятини теран англамаслик, расмиятчилик, "тадбир — тадбир учун" ёки кампаниябозлик иллатларининг мавжудлиги, ташаббускорликнинг етишмаслиги, ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга жалб этишда қатъиятсизлик, одамлар онгини ўзгартиришнинг халқчил ва таъсирчан усулларидан фойдалана билмаслик ҳоллари кўзга ташланаётгани, юқорида таъкидлаганимиздек, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда. Боиси Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши бевосита шу юрт аҳолиси, айниқса, ёшларимизнинг таълим-тарбияси, маънавияти ва маърифати билан белгиланади.

Қарорда оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчиликка диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётгани таъкидланган. Бу, ўз навбатида, шу юрт манфаати йўлида хизмат қилаётган барча фидойиларнинг янада ҳушёр, фаол ва ташаббускор бўлишини, айниқса, маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, муаммолари ечимида кўмак бериш, салбий таъсирлардан огоҳ этиш йўлларини излашимиз зарурлигини тақозо этаётир. Шундай экан, тарғиботчининг салоҳияти замоннинг руҳи, унинг юртимизда барпо этилаётган янги жамиятнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиши, одамларнинг қалбига кириб бориши, билдираётган фикрларининг қай даражада таъсирчанлиги билан узвий боғлиқлигини эсдан чиқармаслигимиз даркор.

Мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасининг маънавий-маърифий йўналишида белгиланган мақсад-вазифалар билан уйғун ва ҳамоҳанг. Жумладан, унда халқимизни, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий ҳиҳатдан юксалишига кўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шунингдек, партия сайловолди Платформасида ёшларга маънавий ибрат бўлиб хизмат қила оладиган, ёш авлодни миллий ғоя, жасорат ва матонат руҳида тарбиялашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаол замондошларимизнинг бадиий образлари таъсирчанлигини кучайтириш каби устувор мақсад-вазифалар илгари сурилган. Бу, ўз навбатида қарор ижросини таъминлашда, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимиз, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этишда, партия ғоя-мақсадларини амалга оширишда айни муддао бўлмоқда. Хусусан, айни кунларда партия ташкилотлари томонидан тарғибот-ташвиқот ишларининг янги, самарали, натижадорликка асосланган усул ва услублари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Унга кўра, аввалги анъанавий тарғибот воситаларидан фарқли равишда, ҳар бир ёшнинг онги ва қалбига кириб бориш мақсадида маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар, хотин-қизлар билан доимий мулоқотда бўлишга, ёшлар муаммоларини ҳал этиш, уларни турли маънавий ва мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлашга, эл назаридаги инсонларнинг бой ва ибратли ҳаёт йўли ва ижтимоий фаолият тажрибасидан унумли фойдаланишга янада кўпроқ эътибор қаратила бошланди. Бу борада партиямизнинг "Хизмат — беминнат", "Уйма-уй" лойиҳалари тарғиботини кучайтириш, улар воситасида амалий ишлар, аниқ таклиф, чора-тадбирларни ишлаб чиқиш маънавий-маърифий соҳа ривожида ўз самарасини беради, деб ўйлайман.

Хулоса ўрнида айтиш жоиз, бугунги мураккаб замонда ҳар бир инсон мустақил фикрга, соғлом дунёқараш ва иродага эга бўлиши, даврлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларимизга таяниб иш тутиши лозим. Акс ҳолда, турли мафкуравий таҳдидлар, бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Инсон ҳар хил яширин мақсадларни ўзида мужассам этган бундай таҳдидлардан қурол-яроғ билан эмас, ғоявий етуклик, мафкуравий тафаккур билан ҳимояланади. Давлатимиз раҳбарининг "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги қарори ёш авлодни миллий қадриятларимизга ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан асраш, халқимизнинг эзгу урф-одатларининг муносиб давомчилари этиб камолга етказиш борасидаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.



Маҳмуд НАЗАРОВ,
ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси

Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЎзМТДП НУҚТАИ НАЗАРИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Шу маънода давлатимиз раҳбарининг "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар, кўзда тутилган чора-тадбирлар маънавий-маърифий ишларимизни, ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолиятимизни янада кучайтиришда муҳим ўрин тутади. Мазкур қарор ўз мазмун-моҳияти билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларга уйғун ва ҳамоҳанг. Айниқса, қарорда назарда тутилган турли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш, ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини, Интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу тоифанинг ижтимоий фаоллигини оширишда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш каби вазифалар партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларимиз фаолиятининг устувор йўналишига айланиши зарур. Қарорда акс этган халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида диндараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишларида ЎзМТДП вакиллари ташаббускор бўлиши лозим.

Яқинда Наманган вилоятидаги ўрганишларимиз давомида уюшмаган ёшлар билан иш олиб бориш мақсадида диний уламолар, маҳаллалар ва бошқа тегишли ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, амалий ишлар олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик. Мазкур гуруҳларга сиёсий партиялар вакилларини ҳам киритиш таклифини бердик ва бу маъқулланди. Уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг янги шакл ва механизмларини жорий этиш ва жойларга чиққанда миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантиришда янада фаол бўлишимиз лозим.

Фракция аъзолари таъкидлаганидек, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорида белгиланган вазифалар ЎзМТДПнинг маънавий-маърифий соҳага қаратилган тарғибот ишларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Йиғилишда ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Йиғилишда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан кизгин муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам тизими яратилган. Бироқ бугунги даврда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг асоссиз аралашувларининг олдини олиш, хусусий мулк дахлсизлигининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципини таъминлашнинг амалий чораларини кўришни талаб этмоқда. Айни шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 майдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар муҳокамасига ҳавола этилди. Таъкидланганидек, ҳозирги кунда юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат органларига мурожаатлари 2014 йилда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар муҳокамасига ҳавола этилди. Таъкидланганидек, ҳозирги кунда юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат органларига мурожаатлари 2014 йилда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади. Бироқ, ушбу қонун соҳадаги умумий масалаларни тартибга солса-да, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашдаги ҳуқуқий механизмларни тўлиқ очиб бермаган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича вакилни лавозимга тайинлаш ва озод қилиш тартиби, унинг асосий ваколат ҳамда фаолият йўналишлари белгилаб берилмоқда. Жумладан, унга тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш ҳамда давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш каби ваколатларни бериш назарда тутилмоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳасида назарда тутилаётган меъёрларнинг ҳаётга татбиқ этилиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг янги таъсирчан механизмларини жорий этиш ҳамда мамлакатимизда янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга хизмат қилади. Бу эса ЎзМТДПнинг миллий иқтисодиёт ривожи, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда оилавий тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш сингари дастурий вазифалар ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Йиғилишда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар муҳокамасига ҳавола этилди. Таъкидланганидек, ҳозирги кунда юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат органларига мурожаатлари 2014 йилда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади. Бироқ, ушбу қонун соҳадаги умумий масалаларни тартибга солса-да, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашдаги ҳуқуқий механизмларни тўлиқ очиб бермаган.

— Амалдаги қонунда фақат давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига келиб тушаётган мурожаатлар билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган, — дейди **ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Ширинов.** — Шунингдек, "ишонч телефонлари" орқали мурожаатлар, видеоконференцалоқа ёрдамида фуқароларни қабул қилиш ва жойларга чиқиш каби замонавий ҳамда интерактив услубларни жорий қилишга қаратилган меъёрлар белгиланмаган. Қолаверса, қонунда "халқ қабулхоналари" ва "виртуал қабулхоналар", айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ва Виртуал қабулхоналари тизими билан боғлиқ мурожаатлар билан ишлаш соҳасидаги янги демократик институтлар ҳам назарда тутилмаган. Таклиф этилаётган янги таҳрирдаги қонун амалиётдаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш соҳасидаги муносабатларнинг тўлиқ тартибга солинишини назарда тутади.

Фракция аъзолари "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таклифи билан парламент аъзоларининг шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиш ва тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартиби жорий этилди. Мазкур амалиётдан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳасида қонун ҳужжатлари ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ваколати ва ҳуқуқи нафақат Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари, балки Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларига ҳам берилмоқда. Бу борадаги халқаро тажриба ўрганилганда, парламент аъзолари томонидан жойларда қонун ҳужжатлари ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бўйича Ўзбекистон тажрибаси парламент назорати институти учун ноёб ва ўзига хос амалиёт экани намоён бўлди. Чунки, хорижий мамлакатларда парламент аъзолари ҳудудлардаги ҳақиқий аҳвол ҳақида асосан сайловчилар билан учрашувлар, депутат сўровлари, парламент эшитувлари ёки парламент текширувлари давомида ахборот олади.

Йиғилишда "Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

— Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш ва ахборот олиш кафолатларини таъминлаш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш, болаларни бузғунчи, уларнинг руҳиятига зарар етказувчи таъсирлардан ҳимоя қилиш, саломатлигига зиён етказувчи ахборот тарқатилишининг олдини олиш, чеклаш ёки тақиқлашга хизмат қилади, — дейди **ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоев.** — Бу билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мазкур йўналишдаги фаолияти қўллаб-қувватланади. Бугун дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган бир шароитда ёшларни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан-да долзарб вазифага айланган. Шу нуқтаи назардан муҳим аҳамият касб этувчи мазкур қонун лойиҳаси ЎзМТДП сайловолди Платформасида бу борада белгиланган устувор вазифаларга ҳам тўла мос эканлигини қайд этиш жоиз.

Йиғилишда, шунингдек, яна бир нечта қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, фракциянинг нуқтаи назари шакллантирилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан ЎзМТДП фракциясининг таклиф ва тавсиялари билдирилди.

Ўз мухбиримиз

Фракция позицияси

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУР

Шу йилнинг 31 июль-1 август кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бир қатор масалалар, янги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Муокамалар чоғида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам қонун лойиҳалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сарвар ОТАМУРАТОВ,
ЎзМТДП фракцияси раҳбари:

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишида "Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда атрофлича муҳокама этилди. Қонун лойиҳаси болаларимизнинг маънавий-руҳий дунёсини ҳар хил хуруж, ёт таъсир ва мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Уни ишлаб чиқишда нафақат манфаатдор вазирлик ёки давлат идоралари, балки кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлар фаол иштирок этди. Шу жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари, фракциямиз аъзолари ҳам қонун лойиҳаси юзасидан салмоқли таклиф ва мулоҳазалар билдирди. Уларнинг аксарияти инобатга олинди. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир ваколатлари лойиҳага фракциямиз таклифи асосида киритилди.

Яқинда Наманган вилоятининг Уйчи туманида партиямиздан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари, ЎзМТДП фаоллари билан ушбу қонун лойиҳасини кенг ва атрофлича муҳокама қилдик. Қонун лойиҳаси юзасидан ана шундай муҳокамалар депутатларимиз ҳамда партия вакиллари иштирокида бошқа вилоятларда ҳам бўлиб ўтди. Мазкур жараёнларда билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, фракциямиз томонидан масъул қўмитага тақдим этилди.

Қонун лойиҳасида жуда кўп камчиликлар кўзга ташланмоқда. Мисол учун, қонуннинг номланиши ғализ ва тушунарсиз ("Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида" деб номлаш мумкин), айрим моддалар бир-бирига боғланмаган ёки ундаги меъёрлар очиб берилмаган. Масалан, қонун лойиҳасининг 5-моддасида соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатилган, лекин улар (бошқа моддаларда) етарли даражада очиб берилмаган.

Мазкур қонун лойиҳаси ўз моҳияти билан партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш, халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш ёшларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг. Шу нуқтаи назардан фракциямиз аъзолари қонун лойиҳасининг концептуал асосларини маъқуллаб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш ва маромига етказишда фаоллик кўрсатади.

Акмал РАҲМОНОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— "Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси долзарблиги боис кизгин муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлди. Депутатлар қонун лойиҳасининг номланишидан тортиб, то унинг мақсад ва ғояси бўйича ўзларининг турли ёндашувларини баён қилдилар. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки фарзандларимизнинг тарбияси, руҳияти ва охир-оқибатда соғлиғига таъсир этувчи салбий омиллардан уларни асраш барча даврда ҳам давлат сиёсати даражасидаги устувор масала бўлиб келган.

Тўғри, биз XXI аср — ахборот технологиялари ривожланган асрда яшаяпмиз. Аммо, ёш авлоднинг шахс сифатида шаклланишида анъанавий мумтоз шаклдаги таълим-тарбияга нисбатан замонавий ахборот технологияларининг таъсири ва имкониятлари кундан-кунга кучайиб бормоқда. Айни шу маънода мазкур қонун лойиҳаси болаларни бузғунчи, уларнинг руҳиятига зарар етказувчи таъсирлардан ҳимоя қилиш, саломатлигига зиён етказувчи ахборот тарқатилишининг олдини олиш, чеклаш ва тақиқлаш мақсади ифодаланаётганлиги билан аҳамиятлидир. Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш уларнинг ахборот олиш кафолатлари таъминланишига монелик қилмайди, аксинча, ушбу йўналишда ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратишни назарда тутади.

Бироқ, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг умумий хавфсизлик нуқтаи назаридан амалдаги барча қонунлар меъёрларига мувофиқлигини инвентаризация қилиш, энг муҳими, қайси ахборотлар бундай зарарли ахборотлар тоифасига киради, деган саволга аниқ жавоб бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Бунинг учун зарарли ахборотларни идентификация қилиш мезонларини илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда белгилаш тарафдоримиз. Аммо, очиқ тан олиш керак, бу осон иш эмас. Чунки ҳали бирон бир мамлакатда бунинг мукаммал андозаси мавжуд эмас. Бунинг учун ўзимизнинг тажрибали экспертлар ҳамжамиятига, олимларга мурожаат қилсак, биргаликда жамоатчилик муҳокамаларини ўтказсак, албатта, ушбу масала ўз ечимини топади.

Ўйлаймизки, ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш ва ахборот олиш кафолатларини белгилаш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Авазбек ЖАЛИЛОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ушбу қонун асосан хусусий мулк ҳуқуқига ноқонуний тўсқинлик қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олишга йўналтирилган.

"Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент фармони бу соҳадаги муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтининг таъсис этилиши тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида ташланган навбатдаги муҳим қадам бўлди. Мазкур институт, аввало, тадбиркорлик субъектлари билан давлат органлари ўртасида самарали мулоқотнинг янги механизмларини жорий этишга, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларини яратишга имкон беради.

Қуйи палата депутатлари А.Саидов, Ж.Ширинов ва И.Хожиев томонидан қонунчилик ташаббуси сифатида киритилган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Қизғин муҳокамалар жараёнида ушбу қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар билдирилди ва қабул қилинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги қонун лойиҳаси асосан бизнес омбудсманнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Хусусан, бизнес омбудсманга тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш жараёнларининг қонунийлиги бўйича мониторинг юритиш ваколати берилиши назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга имкон беради. Шунингдек, унга тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб аризалар ва даъволар билан судларга давлат божи тўламасдан мурожаат этиш ҳуқуқининг берилиши муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, 2017 йилнинг 1 июнидан мамлакатимизда фаолият кўрсата бошлаган маъмурий судларга тадбиркорлик субъектлари, фуқаролар ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган низоларни, оммавий-ҳуқуқий муносабатларни кўриб чиқиш ҳуқуқи берилган. Тадбиркорларнинг давлат органлари билан низоларини маъмурий судларда кўриб чиқиш жараёнида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда вакилнинг роли ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим, ушбу қонун лойиҳасида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга қонун ҳужжатларининг бузилишларини бартараф этиш юзасидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига кечиктирмай кўриб чиқиш учун тақдимнома киритиш ваколатининг берилиши мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш имконини беради.

Вакил институтини жорий этишдан мақсад нафақат тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат органлари томонидан бузилишини аниқлаш, балки бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўришдан иборат.

Ушбу қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилмаслиги тўғрисида давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига вакил томонидан ёзма равишда огоҳлантириш бериш ваколати ушбу соҳадаги қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Шерзод ҚУЛМАТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Қуйи палата мажлисида эътиборимизга ҳавола этилган "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламентдаги фракцияси аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

Муҳокамалар жараёнида фракциямиз аъзолари қонун лойиҳасининг муҳимлиги ва долзарблигини алоҳида эътироф этди, унинг қабул қилиниши кредиторлар ва қарздорларга банкротлик ишидаги келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижаси бўйича апелляция инстанцияси томонидан чиқарилган ажрим устидан кассация ва назорат тартибида шикоят қилиш имконини бераётганлигига эътибор қаратдилар. Шунингдек, қонун лойиҳасида ўз аксини топган меъёрлар кредиторлар ва қарздорларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи янада таъминишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, кредиторларга ўзларининг талабларини қарздорларга билдириш учун юбориладиган хўжалик судлари ҳал қилув қарорларида талабларни тақдим этишнинг бир ойдан кам бўлган муддатини белгилаш ҳолларини бартараф этувчи меъёрлар назарда тутилган. Бу фракциямиз аъзолари томонидан маъқулланди.

Фракциямиз аъзолари мазкур қонун лойиҳаси ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларга уйғун ва ҳамоҳанг эканлигидан келиб чиқиб, уни биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнида фаол иштирок этади.

Таҳлил

ДЕПУТАТ — ПАРТИЯНИНГ ЮЗИ, ЭЛЕКТОРАТ КЎМАКЧИСИ

ЎзМТДП ГУРУҲЛАРИНИНГ ЎТГАН ДАВРДАГИ ФАОЛИЯТИ ВА КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ХУСУСИДА

Халқ ишониб, ўзига вакил этиб сайлаган депутатлар одамларнинг орзу-ўйлари ташвишларини яқиндан билиши, муаммоларини жойларнинг ўзида ҳал этиши ва амалий ишлари билан уларнинг ишончини оқлаши лозим. Зеро, бугунги давр эскича тартибда ишлаш мутлақо мумкин эмаслигини кўрсатмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 июлда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида парламент, сиёсий партиялар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятидаги камчиликлар танқидий таҳлил қилиниб, келгусидаги долзарб вазифалар белгилаб берилгани бугун депутатлар ва партия вакилларининг диққат марказида бўлиб турибди. Ушбу дастуриламал маърузадан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш, жонлантириш бўйича қандай чоралар кўрилмоқда? Уларнинг партия ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, маҳаллий вакиллик органлари фаолиятидаги ташаббускорлигини ошириш, халқ билан мулоқотини самарали йўлга қўйиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари билан ишлаш бўлими бошлиғи Илҳом Расулов билан суҳбатимизда ана шу саволларга жавоб изладик.

"МУДРАБ" ЮРГАН ДЕПУТАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ШАКЛЛАНТИРИЛЯПТИ

— Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган ғоя ва таклифлар, устувор вазифалар барча сиёсий партиялар қатори бизнинг партиямиз ҳамда депутатлик бирлашмаларимиз фаоллигини оширишда ҳам муҳим дастуриламал бўлмоқда, — дейди Илҳом Расулов. — Бугун ушбу маърузадан келиб чиққан ҳолда олдимизда турган муҳим, ҳаётий вазифаларни амалга ошириш чораларини белгилаб олямиз. Хусусан, яқинда парламент аъзолари ва сиёсий партиялар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар ҳамда партия ташкилотлари фаолиятини ўрганди, натижалар сессияларда муҳокама этилиб, ҳаётий қарорлар қабул қилинди. Мазкур



жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари ҳамда партиямиз вакиллари ҳам фаол иштирок этиб, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари фаолиятини чуқур таҳлил қилди. Уларнинг партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, ЎзМТДП ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни мунтазам йўлга қўйиб, мурожаатларни ҳал этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш борасида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Видеоселектор йиғилишида устувор аҳамият қаратилган ёшлар, айниқса, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, туризмни ривожлантириш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш каби масалалар айнан ЎзМТДПнинг дастурий вазифаларидандир. Ушбу йўналишларда жойлардаги партия гуруҳларимиз амалга ошириши лозим бўлган саъй-ҳаракатлар бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, партия ташкилотларимиз ҳамда депутатларимизнинг аҳоли билан мулоқотларини мунтазам ташкил этиш, одамларни қийнаётган масала-муаммолар юзасидан аниқ ва амалий чоралар кўриш борасидаги масъулиятини ошириш энг долзарб вазифа саналади. Ҳудудлардаги ўрганишлар давомида аксарият партия ташкилотларимиз вакиллари ҳамда ЎзМТДП гуруҳлари аъзолари давлатимиз раҳбарининг дастуриламал маърузасидан кейин зиммаларига юкланаётган вазифалар, бугунги давр тақозо этаётган талабларни ҳамда ўз ишига танқидий нуқтаи назардан ёндашиш зарурлигини англамоқда. Аммо шу билан бирга, айрим депутатларимиз ҳали ҳам "мудраб" юргани, партия ташкилотлари билан алоқани узгани сир эмас. Айни пайтда масъулиятни ўз зиммасига ололмаётган ёки олишни хоҳламаётган бундай вакилларнинг рўйхати шакллантирилмоқда.

СОН ЭМАС, СИФАТ МУҲИМ

— Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида халқ вакилларининг аҳоли билан ишлаш борасидаги фаолиятига янги механизмлар жорий қилинди. Бу борада маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳларининг ўтган даврдаги фаолияти хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз — улар ўз ваколатларидан қай даражада фойдаланмоқда?

— "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури доирасида маҳаллий вакиллик органларидаги депутатларимиз аҳоли мурожаатларида кўтарилган муаммоларни ҳал қилишда ўз ваколатларидан унумли фойдаланишга интилмоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида улар қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан 900 депутатлик сўрови юборган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 443 тага кўп. Фуқароларнинг мурожаатлари асосида амалга оширилган 2 минг 234 депутатлик сўрови ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 771 тага ошганини кўрсатади.

Бундан ташқари, ўтган даврда партия гуруҳларимиз ташаббуси билан тўрт юздан ортиқ мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди, партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда доимий комиссиялар йиғилишларига 296 таклиф, сессиялар кун тартибига 130 масала киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Ушбу йўналишлардаги кўрсаткичлар ҳам 2016 йилнинг худди шу даври билан таққосланганда, ўсишга эришилгани аён бўлади.

— Кечирасиз, сўзингизни бўламан... Ҳар қандай фаолиятда сон эмас, сифат муҳим. Сиз келтираётган ушбу рақамлар ортида амалий ишлар ҳам кўнгилдагидек дея оламизми? Натижалар, амалий саъй-ҳаракатлар ҳам ушбу рақамларга бақамти бўлса, нур устига нур...

— Тўғри, фақат рақамлар ортидан қувиш билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Муҳими — амалий иш, аниқ натижага эришиш. Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ушбу рақамлар ортида қилинган ишлар, ҳал бўлган муаммолар билан бирга, ҳали тўла ечим топмаган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган масалалар ҳам талай. Қайсидир ташкилот ёки мутасаддига депутатлик сўрови юбориш, муайян масалани доимий комиссия ёхуд сессияга киритиш — бу ишнинг бошланиши. Уни охирига етказиш, аниқ натижа бўй кўрсатмагунича масалани назорат қилиш депутатдан катта масъулият талаб этади. Масалан, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг жойлардаги ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масала партия гуруҳларимиз ташаббуси билан қатор вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессиясида муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Хусусан, халқ депутатлари Бухоро, Хоразм, Қашқадарё вилоят, Бухоро, Вобкент, Фиждувон, Когон, Қоровулбозор, Пешку, Ромитан, Шофиркон, Боғот, Урганч, Шовот, Гурлан, Қўшкўпир, Хива, Хонқа, Янгибозор, Гузор, Деҳқонобод, Қарши, Муборак, Ангор, Қизириқ, Музработ, Сариосиё, Узун, Шеробод, Косонсой туман Кенгашлари, Бухоро, Когон, Урганч, Қарши шаҳар Кенгашлари (жами 34 Кенгаш) сессияларида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича қатор вазифаларни ўз ичига олган тегишли қарорлар қабул қилинди. Аммо улар ижросини ўз ҳолига ташлаб қўйиш илгари сурилган ташаббус, қабул қилинган қарорнинг қоғозда қолиб кетишига сабаб бўлади. Айрим партия гуруҳларимиз фаолиятида, афсуски, ана шундай ҳолатлар ҳам учрайди. Шу ўринда яна бир жиҳатга тўхталиб ўтиш жоиз, айнан маданий мерос масаласи билан боғлиқ айрим объектив ва субъектив сабаблар ҳам борки, уларни қайта тиклаш, сайёҳлик манзилига айлантиришни фақат маҳаллий Кенгаш сессияси қарори билан ҳал этиб бўлмайди. Тўғри, мамлакатимизда мустақиллик йилларида аждодларимиздан мерос бой маънавий-маданий мулкни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Масалан, бугунги кунда биргина Бухоро Арки мажмуасини таъмирлаш, реставрация қилишга беш миллиард сўм маблағ ажратилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

ЎзМТДП гуруҳлари ҳам партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда 2014 йилдан буён ушбу масалани тизимли ўрганиб келади. Аммо ҳали олдимизда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талай. Тарихий илдизлари тўла ўрганилмаган, тадқиқ этилмаган кўпгина маданий мерос объектлари мавжудки, уларни юзага чиқаришда, кенг тарғиб этишда ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари ташаббускорликни янада кучайтириши лозим.

Аҳоли мурожаатлари ёхуд қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан амалга оширилган депутатлик сўровлари борасида ҳам натижали, ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган сўровлар мавжудлигини айтиш мумкин. Шунингдек, айрим сўровларга тегишли мансабдор шахслар томонидан ўз вақтида жавоб қайтарилмаган, беписандлик билан қаралган ҳолатлар ҳам борлиги муаммоларнинг ечим топишига, одамларнинг мушкулини енгил қилишга тўсиқ бўлаётир.

ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

— Шу ўринда ўз ваколатларидан самарали фойдалана олмаётган, қатъиятсизлик қилаётган партия гуруҳлари аъзолари ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Дарҳақиқат, айрим маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз аъзолари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш, аҳоли мурожаатларини ижобий ҳал қилишда сусткашлик қилган. Масалан, Фарғона вилоятида халқ депутатлари Бувайда, Данғара, Қўштепа туман Кенгашларидаги, Тошкент вилоятининг Бўка, Пискент ва Юқори Чирчиқ туман Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан депутатлик сўровларини амалга ошириш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш ташаббуси билан чиқиш ҳамда доимий комиссиялар йиғилишларига таклифлар киритишда қатъиятсизликка йўл қўйган. Айни пайтда Президентимиз маърузасидан келиб чиқиб, бу каби сусткашликка йўл қўйган, ўз ваколатларидан самарали фойдалана олмаётган партия гуруҳларимиз ва депутатларимиз фаолиятини тубдан жонлантириш бўйича иш олиб боряпмиз. Фаолияти қониқарсиз депутатларни таъбир жоиз бўлса, "уйғотиш", ўз масъулиятини ҳис қилишга ундаш, фаол вакилларимиз фаолиятини уларга намуна сифатида кўрсатган ҳолда ташаббускорлигини ошириш бугун талаб қилинаётган натижаларга эришишнинг муҳим омилидир.

"Milliy tiklanish" мухбири
Муҳтарама КОМИЛОВА суҳбатлашди.

Партия кўмаги билан

ЯНГИ "УЙМА-УЙ" ЛОЙИҲАСИ:

УЮШМАГАН ЁШЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Масалан, туман марказидан анча олисда жойлашган "Шодлик" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Бешюз қишлоғи хонадонларини ўрганиш давомида аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш ишлари ўлда-жўлда аҳволда экани уларга дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатадиган мутахассис йўқлиги аниқланди. Бу 92 оила, жами 450 нафар фуқаро яшайдиган қишлоқ аҳолисига сифатли хизмат кўрсатиш учун зарур шароитлар яратишда сезиларли даражада қолоқлик кузатилаётганини кўрсатади. Шу боис мазкур масала юзасидан туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилдик. Натижада, қишлоқ аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга зарур тиббий ёрдам бериш мақсадида патронаж ҳамшира штати ажратилди. Бу масъулиятли вазифага тегишли маълумоти бўла туриб вақтинча ишсиз юрган Малика Пардаева тайинланди.

Партия вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" етакчи мутахассиси Наргиза Нурбоева ва депутат Ойсулув Ўлжаева ҳудуддаги Кўркам диёр маҳалласида яшовчи хотин-қизлар билан мулоқот қилди. Учрашувлар асносида маҳалладаги коллеж битирувчилари Нафиса Абдужалилова, Нодира Муҳаммадуллаева, Малика Ҳакимова ва Фотима Бегалиева маҳалладаги тикувчи ҳунарманд Ибодат Қурбоновага шогирдликка бириктирилди. "Шодлик" қишлоқ фуқаролар йиғини фуқароси Дилфуза Абдуқодирова тумандаги 6-умумтаълим мактабига тикувчилик тўгараги раҳбари этиб ишга жойланди.

— Тикувчилик қўлимдан келса-да, имкониятим йўқлиги боис, уйда бекор ўтирган эдим, — дейди Гулистон туманидаги "Ибрат" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ирода Нишонова. — Партия туман кенгаши фаоли Умида Расулованинг маслаҳати билан банкдан уч миллион сўм кредит олиб, унга янги тикув машинаси ҳарид қилдим. Энди бекорчилик йўқ, тикувчилик билан шуғулланаяпман.

Халқ депутатлари Сайхунобод туман Кенгаши депутати Аҳрор Якубов ҳам ўрганишлар натижасида ҳудуддаги уюшмаган ёшларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашди. Унинг ташаббуси билан Феруза Холбоева, Озода Якубова ва Зиёда Бойназарова Сайхун шаҳарчасидаги "Сарвиноз" тикувчилик цехига ишга олинди. Ҳунарманд Гулноза Абдураҳмонова уларга миллий ва замонавий либослар тикишни ўргатишни бошлади. Шу тумандаги Турон маҳалласида яшовчи ҳунарманд Хосият Раҳимова ҳам вақтинча ишсиз бўлган Ҳилола Холбўтаева, Маҳфуза Жалилова ва Шаҳноза Маматова каби ёшларга болалар ва аёллар кийимларини тикишни ўргатмоқда.

Партия вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан уюшмаган ёш йигит-қизларнинг аксарияти уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги бепул ўқув курсларига жалб қилинмоқда. Айни пайтда лойиҳа доирасидаги тикувчилик, зардўзлик, каштачилик, сартарошлик, қандолатчилик ва ҳунармандликнинг бошқа йўналишларидаги бепул тўгаракларда ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган ёш йигит-қизларга касб-ҳунар ўргатиш бошлаб юборилди. Боёвутлик Хулкар Мирзақулова, Ўғилой Раҳмонқулова ва "XXI аср аёли" республика кўрик-танловининг туман босқичи совриндори Гўзал Усмонова уюшмаган ёш қизларга тикувчиликдан, Шоҳжаҳон Тоштемиров қандолатчиликдан, ЎзМТДП аъзоси Дилноза Расулова зардўзлик ҳамда болалар ўйинчоқлари тайёрлаш бўйича беминнат сабоқ бермоқда.

Партия туман ва шаҳар кенгашлари



ҳамда депутатлар ҳудудларни ўрганишлари натижасида бу каби амалий ишлар давомийлигини таъминлаб, уюшмаган ёшлар ва хотин-қизлар муаммоларига ечим топишда кўмак бераётир.

* * *

Партиянинг "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган учрашувларда ЎзМТДП Навоий вилояти кенгаши "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳам фаол қатнашиб, уюшмаган ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга, уларнинг муаммоларини ўрганишга, ижобий кўмак беришга интилмоқда.

Халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгаши депутатлари жойларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш, бу борада депутатлик назоратини амалга ошириш мақсадида фуқаролар, айниқса, ёшлар билан бевосита мулоқот ўтказаётгани ўз самарасини бермоқда. Жумладан, халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Сайёра Нуруллаева чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ўнга яқин хонадонларда ўтказган учрашувларида кўплаб уюшмаган ёшлар билан мулоқот қилди. Бу жараёнда Беришум қишлоғида яшовчи Илҳом Эргашев иш топишда амалий ёрдам сўради. Ушбу мурожаат асосида депутат туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокорига депутатлик сўрови юборди. Натижада И.Эргашев ҳудуддаги 19-қишлоқ оилавий поликлиникасининг хўжалик бўлимига ишга жойлашди.

Шунингдек, депутат Олим Аҳмедов Қизилтепа туманидаги "Арабон" МФЙ ҳудудидаги бир нечта хонадон аҳволини атрофлича ўрганди. Депутатнинг кексалар, аёллар, айниқса, ёшлар билан суҳбати асносида аҳолининг турмуш шароити, ижтимоий-иқтисодий муаммоларига кўмаклашишда амалий натижаларга ҳам эришилди.

— Партиянинг "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида депутатларнинг хонадонларга бориб, аҳоли, айниқса, уюшмаган ёшларнинг муаммоларини ўрганаётганлиги мен каби ёш йигит-қизларнинг ишлик бўлишимизда айни муддао бўлмоқда, — дейди "Арабон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Фаррухжон Азимов. — Партия Қизилтепа туман кенгаши фаоллари ташаббуси билан Навоий "Нефт база" унитар корхонасига ишга қабул қилиндим.

Лойиҳа доирасида уюшмаган ёшлар билан бундай мулоқотлар Кармана туманида ҳам ўтказилди. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари Исом Нодиров ва Азамат Қувоновнинг учрашувлари асносида "Камолот" МФЙда яшовчи Ойнихол Абдуллаева ва "Бешкент" МФЙда яшовчи Гулираъно Абдуҳакимова ҳам ишли бўлди. Улар "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти туман бўлимига ишга жойлаштирилди.

Навбаҳор тумани "Қушқочди" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Иқбол Ўроқова "8-Қушқочди" сайлов округидан сайланган депутат Элёр Йўлдошев кўмагида Навоий "Бахт текстил" МЧЖ тикувчиси сифатида фаолият бошлади.

Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати Клара Турсунназарованинг саъй-ҳаракатлари натижасида ҳудуддаги олти йигит-қиз шаҳардаги 2-умумталим мактабига ишга жойлаштирилди.

Ушбу лойиҳа доирасида Навоий вилоятининг туман ва шаҳар Кенгашлари вакиллари жойлардаги 75 хонадонга бориб, юзлаб уюшмаган ёшлар ва уларнинг оила аъзолари билан юзма-юз учрашувлар ўтказди. Бунинг самарасида ишсиз юрган ёшлардан 12 нафари ишга жойлаштирилди, 26 нафарига бўш иш ўринлари тавсия этилди, 37 фуқаронинг бандлигини таъминлаш маҳаллий Кенгаш депутатлари назоратига олинди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Маҳаллий Кенгашларда

ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИДИЙ РУҲДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча даражадаги вакиллик органларининг роли ва таъсирини оширишга эътибор қаратилаётгани, маҳаллий ижроия органларининг тегишли маҳаллий Кенгашларда ҳисобот ва ахборот бериш тартиби йўлга қўйилиб, улар фаолияти устидан таъсирчан депутатлик ва халқ назорати мустаҳкамланаётгани қайд этилди.

Таъкидланганидек, айни пайтда Сирдарё вилоятида сиёсий партиялар ва халқ депутатлари Кенгашлар фаолиятининг таҳлили улар томонидан ҳудудда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича қонунчиликда белгиланган ваколат ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаётганлигини, ҳанузгача вилоят аҳолиси ҳаётида, фуқаролар онгида мустаҳкам ўрин эгалламаганини кўрсатмоқда. Доимий комиссиялар ҳамда партия гуруҳлари ўз зиммасидаги масъулиятли вазифаларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўймоқда. Бугунги давр уларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, аҳоли билан доимий мулоқотни ва таъсирчан депутатлик назоратини самарали йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Сессияда бу борада қатор фикр-мулоҳазалар, таклифлар ўртага ташланди, аниқ чора-тадбирлар белгиланди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессияда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Жўраевнинг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан олиб борилган ишлар тўғрисида"ги ҳисоботи тингланди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2017 йилнинг 6 ойида умумий жиноятчилик, қасддан баданга енгил тан жароҳати етказиш, ўғирлик, талончилик, аёллар ва ишсизлар содир этган жиноятлар ҳамда безорилик жиноятининг камайишига эришилган. Айниқса, вояга етмаганлар билан ишлаш, бу борада маҳаллалардаги профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари ва жамоатчилик назоратини кучайтириш энг муҳим вазифа эканлиги таъкидланди. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор ва чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Бундан ташқари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Хайрулла Тожиевнинг "Вилоятда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш борасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш тўғрисида"ги, вилоят ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Отабек Абдуғаниевнинг "Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий маърифий ишлар бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида"ги ҳисоботлари тингланди. Қайд этилганидек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини янада такомиллаштириш, оилавий поликлиникалар ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида ўзгаришлар билан бирга, ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд. Бу борадаги муаммолар муҳокама қилиниб, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳолига бундай ёрдамнинг ўз вақтида ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Вилоят ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари бугун ёшлар манфаатини ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталиб, ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўла оладиган янги ташкилот сифатида ташкил этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг оёққа туриб олиши учун зарур кўмак ва ёрдам бериш лозимлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш барча бўғиндаги давлат органлари раҳбарларининг, сиёсий партиялар ва депутатларнинг доимий ишига айланиши зарур. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби хавф-хатарлар кучайиб, асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятлар, миллий анъаналаримизга путур етказиши, ёш авлод мафкурасига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳар биримизни огоҳликка даъват этади. Бунда, айниқса, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларнинг жиноят содир этиши, турли оқим ва гуруҳларга қўшилиб қолишларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш зарур.

Сессия якунида муҳокама қилинган барча масала юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қарори қабул қилинди.

Норбобо СОАТОВ,
халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари:



—Давлатимиз раҳбарининг дастуриламал маърузасида таъкидланганидек, сиёсий партиялар фаолиятида муаммо ва камчиликлар мавжуд. Улар ўз электоратига берган ваъдалари, сайловолди дастурларини тўлиқ ва самарали бажармаётир. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари, мазкур Кенгашлардаги партия гуруҳларининг фаолияти талаб даражада эмас. Бугунги сессияда, депутатларнинг ўз сайлов округларида олиб бораётган ишлари танқидий таҳлил этилди, партия гуруҳлари, доимий комиссиялар фаолияти қониқарсиз, суст эканлиги таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам партия гуруҳимиз фаолияти мисолида айтсам, ҳудудимизда ЎзМТДП дастурий вазифаларига алоқадор қанчадан қанча масалалар бор. Уларни ҳал этишда биз депутатлар ташаббус кўрсатишимиз, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга интилишимиз керак эди. Аммо бу борадаги фаолиятимизни ҳам қониқарли деб айта олмаймиз. Партия гуруҳимизнинг иш услубини қайта кўриб чиқишимиз, одамларни рози қилиш мақсад-муддаоси билан ҳаракат қилишимиз зарур.

Бугунги сессияда вилоятимиздаги ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳолати, тиббий хизмат соҳаси ҳамда ёшлар масалаларига оид ҳисоботни эшитдик. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш, салбий ҳолатларни яхшилаш бўйича жўяли таклифларни ишлаб чиқишимиз ва уни амалга оширишимиз лозим. Фоя ва таклифлар қоғозда қолиб кетмаслигига, энг аввало, биз халқ вакиллари масъулмиз! Қўл қовуштириб ўтиришнинг фурсати эмас. Партиямиз уюшмаган ёшлар масаласида ташаббусни қўлга олиши ва амалий ишлар билан жавоб бериши керак. Янги ташаббус ва ғоялар, янги марралар сари интилиб, ваколатларимиздан самарали фойдаланишимиз лозим.

ИШЛАЁТГАН ВА ИШЛАМАЁТГАН ДЕПУТАТ БИЛИНИШИ КЕРАК

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида ҳам давлатимиз раҳбари маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг вилоятдаги ижросини ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, вилоят Кенгаши депутатлари, сиёсий партиялар, прокуратура, ички ишлар, тиббиёт бирлашмаси ва бошқа назорат идораларининг раҳбарлари иштирок этган сессияни видеоселектор тарзида шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, сиёсий партия ташкилотлари вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, ташкилотлар раҳбарлари кузатиб борди.

Сессияга қадар парламент аъзолари сиёсий партияларнинг вилоят ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар, партия гуруҳлари ҳамда доимий комиссиялар фаолиятини танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан ўрганди. Шунингдек, тиббиёт соҳасидаги муаммолар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар ҳолати билан танишилди.

Президентимиз маърузасида белгиланган устувор вазифаларнинг вилоятдаги ижросини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар ва сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, аҳоли билан доимий мулоқотни самарали йўлга қўйиш зарур. Ўрганишлар давомида аксарият ҳудудий партия ташкилотларининг иш режаси мавжуд эмаслиги, борларида ҳам улар ижроси ўз ҳолига ташлаб қўйилгани аниқланди. Бундан ташқари, иш режалар партия дастурий вазифалари, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, салоҳияти ва географик жойлашуви, мавжуд муаммолар ечимига қаратилмаган. Ҳудудий партия ташкилотлари ва улардан сайланган депутатларнинг ўзаро ҳамкорлиги қониқарсиз, бугунги давр талабларига мутлақо жавоб бермайди. Бу, ўз навбатида, партия мақсад-вазифаларини амалга ошириш, сайловчи ва электорат манфаатлари таъминланишига тўсиқ бўлаётир.

Сессия йиғилишида кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, партиялар ташкилотларида фаолият олиб бораётган аксарият кадрлар салоҳияти қониқарли эмаслиги қайд этилди. Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади. Бу ўз-ўзидан малакали, сиёсий-ҳуқуқий дунёқараши кенг, ташаббускор кадрларга бориб тақалади. Бу борадаги муаммолар ўртага ташланиб, уларни ҳал этиш бўйича таклиф, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Таъкидланганидек, Президентимизнинг ҳар бир вилоятдаги олий ўқув юртлари базасида жойлардаги партия ташкилотлари ходимларини ва маҳаллий Кенгашлар депутатларини ўқитиш бўйича махсус курслар ташкил этиш ташаббуси муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда Самарқанд давлат университетида ана шундай ўқув курсларини ташкил этиш бўйича тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳар бир сиёсий партия ташкилотларида ўқув курсида малака оширадиган ходимлар ва депутатлар рўйхати шакллантирилмоқда.

Йиғилишда бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш аҳволи ҳам талаб даражасида эмаслиги, партия кенгашлари қарорларининг уларга вақтида етказиб берилиши ва партия газеталари билан таъминланишида узилишлар мавжудлиги, ҳудудий ташкилотларнинг ёшлар, айниқса, уюшмаган ёшлар билан ишлаш бўйича фаолияти қониқарсиз эканлиги танқидий таҳлил қилинди.

Вилоятдаги ўрганишлар давомида партия ташкилотларининг моддий-техник базасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилди. Хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Ургут, Жомбой, Нарпай, Каттақўрғон туман кенгашларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, етарли шароитлар яратиш мақсадида компьютер жамланмаси, ноутбук ва мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Сессияда депутатларнинг сўровларига ижроия ҳокимият органлари томонидан ўз вақтида ёки умуман жавоб бермаслик ҳолатлари мавжудлиги қайд этилди. Таассуфки, депутат ҳар бир масала, муаммога халқ назари билан қараши, унинг сўрови халқ сўрови эканлиги бу борада мансабдор шахслардан эътибор ва масъулиятни ошириши зарурлигини тақозо этади. Бундан ташқари, йиғилишда партия гуруҳларининг Кенгаш сессиялари ва доимий комиссиялар йиғилишларига масалалар киритиш бўйича ташаббуслари талаб ва ваколатлар даражасида эмаслиги таъкидланди. Доимий комиссиялар ҳатто, ўз ваколатлари ва фаолият йўналишлари хусусида тўлиқ тасаввурга эга эмас.

Сессияда мутасадди вакилларнинг вилоят ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда тиббиёт соҳасидаги қарор ва фармонлар ижроси юзасидан ахбороти тингланди, қайд этилган муаммолар, хато ва камчиликлар юзасидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди.

Танқидий-таҳлил руҳида ўтган сессия якунида муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Баҳодир ШАРОПОВ,
халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари:



— Бугунги сессияда Президентимизнинг шу йил 12 июлдаги видеоселектор йиғилишидаги дастуриламал маърузасидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ижроси қизғин муҳокама қилинди. Ушбу маърузада парламент, сиёсий партиялар ва биз депутатлар фаолияти юзасидан айтилган барча танқидий фикрлар ўринли эканлиги, зиммамизда залворли вазифалар тургани бизни анча сергаклантирди, мудроқ қалбларимизни уйғотди.

Сиёсий партиянинг дастурий ғоя-мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда ундан сайланган депутатларнинг ўрни муҳим. Шундай экан, депутатлар ҳамиша уйғоқ бўлиши, партия ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган ҳолда иш олиб бориши зарур. Бироқ афсуски, халқ депутатлари Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган 16 депутат партия ғоялари тарғиботи, электорат манфаатлари йўлида ташаббускор бўлиш тугул, партия ва сайловчилар билан алоқасини бутунлай узиб қўйган. Тўғри, партиямиз сафида фидойилик билан ишлаётган ходимлар, депутатлар кўп. Аммо ичимиздаги "курмак"лар сайловчининг ишончи сўнишига "хизмат" қилаётгани ҳам бор гап. Фидойи депутатларимизни Президентимиз таклиф қилганидек, халқпарвар депутат, меҳнаткаш, намунали депутат сифатида баҳолаш, уларнинг тажрибасини бошқа ҳамкасблари орасида намуна сифатида кўрсатиш ўз самарасини беради.

Бугун юқоридан кимдир келишини, қандайдир топшириқ беришини кутиб ўтирадиган вақт эмас. Барча даражадаги халқ вакиллари, сиёсий партиялар фаоллари одамлар орасига кириб, уларнинг дарду ташвишларини енгиллатишга кўмак бериши зарур. Мазкур сессиядан кейин вилоятдаги ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда партия гуруҳлари биргаликда йиғилиб, ўтган фаолиятимизни яна бир карра чиғириқдан ўтказдик, келгусидаги вазифаларимиз хусусида фикрлашиб, амалий таклифларни ўргандик. Масалан, депутат ва партия ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳар ташкилотларимизда "Депутат ташрифи" китобини ташкил қилиш таклифи барчамизга маъқул келди. Бунинг натижасида депутатлар бир ойда партия ташкилотига неча марта келгани, қандай амалий ишларни бажаргани қайд этиб борилади. Бундан ташқари, партиямизнинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, улар билан ишлаш, алоқаларни мустаҳкамлаш борасида қатор таклифлар билдирилди. Жумладан, вилоятдаги мавжуд таянч бўғинларимизни қайта инвентаризациядан ўтказиш асосида фаолиятини жонлантириш, янги бошланғич партия ташкилотларини ташкил қилиш депутатларнинг иш услубини ўзгартириш каби муҳим масалалар бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишланган ана шундай сессиялар барча маҳаллий Кенгашларда бўлиб ўтди. Танқидий-таҳлил руҳидаги йиғилишларда сиёсий партиялар, депутатлар ва маҳаллий Кенгашлар олдида турган долзарб вазифалар белгилаб берилгани улар фаолиятини бугунги давр талаблари даражасида ташкил этишга хизмат қилади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат минбари

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги, Франция, Буюк Британия, Германия каби ривожланган давлатлар тажрибаси асосида Қонунчилик палатасида "Ҳукумат соати" институтини жорий этиш бўйича таклифлар билдирилди.

"ҲУКУМАТ СОАТИ" ИНСТИТУТИ:

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Дарҳақиқат, "Ҳукумат соати" институти — парламент назоратининг асосий кўринишларидан бири бўлиб, ҳукумат аъзоларининг парламент ва аҳоли олдидаги ҳисобдорлик масъулиятини янада оширишга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари Франция, Буюк Британия ва Германия каби ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибасини бежиз тилга олмади, албатта. Чунки самарали парламент назорати ўрнатишда бой тажрибага эга давлатларнинг ўзига хос жиҳатларини ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш тараққиётнинг янги босқичида қўл келиши табиий.

Айтиш керакки, "Ҳукумат соати" институти бўйича энг катта тажрибага эга давлат — Буюк Британия. Айнан шу мамлакат тажрибасидан бир нечта ривожланган давлатлар ҳам фойдаланиб келади. Бу ерда "Ҳукумат соати" душанбадан-пайшанбагача бўлган сессияларда кўриладиган биринчи масала ҳисобланади. Саволларга жавоб бериш, ҳисоботларни тақдим этиш навбати ҳукумат аъзолари учун ҳар беш ҳафтада бир тўғри келади.

"Ҳукумат соати"да депутатлар саволи рўйхат бўйича давом этади. Ҳукумат вакилининг олдиндан тақдим этилган саволга жавобидан сўнг одатда, депутатга қўшимча савол бериш имкони берилади. Ана шундан сўнг бошқа депутатлар ҳам қўшимча аниқлаштирувчи саволлар бериши мумкин. Ҳар бир савол учун тегишли департаментлар томонидан атрофлича жавоб тайёрланиши, маълумотлар тўлиқ ва муфассал бўлиши талаб этилади.

Буюк Британия "Ҳукумат соати" амалиётида "долзарб савол" тушунчаси ҳам мавжуд. Долзарб саволлар олдиндан тақдим этилади, рўйхатга олиш китобига киритилмайди, лекин Спикернинг фикрига кўра, улар долзарб аҳамиятга эга, жамият учун муҳим масала саналади. Ҳар бир депутат Спикерга ўша кунга режалаштирилган "Ҳукумат соати"да долзарб савол бериш хоҳиши билан мурожаат этиши мумкин. Долзарб саволлар юзасидан муҳокамалар кўпинча ярим соатдан кўп вақт талаб қилади.

Германия парламентида "Ҳукумат соати"га ҳар ҳафта 180 дақиқа ажратилади. Бунда ҳар бир депутат Федерал ҳукуматга оғзаки жавоб учун бир ҳафтада иккитагача савол беришга ҳақли. Саволлар аниқ ва лўнда, қисқа жавоб бериш учун мақбул бўлиши, субъектив гаплар ва баҳолашларни ўз ичига олмаслиги лозим. "Ҳукумат соати"га айнан қайси давлат идораси чақирилиши лозимлигини Спикер белгилайди. Бериладиган саволлар ҳукумат ваколат ва мажбуриятига бевосита ёки билвосита тааллуқли бўлиши керак. Аввалдан бериладиган саволлар тўрт нусхада Спикерга топширилади. Оғзаки саволлар Спикерга "Ҳукумат соати" бошланиш ҳафтасидан олдинги жума куни соат 10:00 гача, Федерал ҳукуматга 12:00 гача топширилади.

Йиғилиш тартиби худди Буюк Британия тажрибасига ўхшаш — яъни, Спикер савол тартиб рақами ва савол берувчи депутатнинг исмини айтади. Буюк Британия тажрибасидан фарқли ўлароқ, Германия парламентида долзарб саволлар "Ҳукумат соати"нинг бошида берилади. Агар савол эгаси йиғилишда қатнашмаётган бўлса, унинг саволига ёзма тарзда жавоб берилади. Шунингдек, ҳафта мобайнидаги "Ҳукумат соати"да вақт чегараланганлиги боис жавоблари олинмаган саволларга Федерал ҳукумат томонидан ёзма жавоб қайтарилади. Ёзма жавоблар йиғилишнинг баённомасига илова тарзида киритилади.

Бундан ташқари, ёзма шаклда савол бериш ҳам Германияда алоҳида тартибга солинган. Унга кўра, ҳар бир парламент аъзоси ҳукуматга ҳар ой тўртта саволни ёзма шаклда беришга ҳақли. Мазкур саволларга жавоб бир ҳафта муддатда берилиши шартлиги ҳам белгилаб қўйилган. Саволларга жавоб белгиланган муддатда олинмаса, парламент аъзоси ўз саволига навбатдаги "Ҳукумат соати"да жавоб берилишини талаб қилиши мумкин. Бундай талаб Спикерга "Ҳукумат соати" бошланадиган куни 12:00 гача маълум қилиниши лозим. Агар бу вақтгача ёзма жавоб берилган бўлса, депутат фақат жавобнинг нима учун кечикканини сўраш ҳуқуқига эга. Бироқ у оғзаки саволлар қаторига кирмайди ҳамда "Ҳукумат соати"нинг бошида берилади. Бунда савол эгаси қўшимча савол бериш ҳуқуқидан фойдаланади.

Францияда йўлланган ёзма саволларнинг ҳар бири расмий журналда чоп этилиши белгиланган. Вазирларнинг жавоби саволлар қўйилгандан кейин бир ой муддат ичида чоп этилиши лозим. Агар мазкур саволларга жавоб бериш жамият манфаатларига зид бўлса, вазир ушбу муддат мобайнида бу ҳақда ёзма равишда маълум қилиши ёки тегишли маълумотларни тўплаш учун яна бир ой муддат сўраши мумкин. Муддат тугаши билан депутатлик гуруҳи раҳбарлари жавоб олинмаган саволлар ҳақида расмий журналда маълум қилади.

Кўриниб турибдики, бу борадаги халқаро тажриба миллий парламент тизимини юқори босқичга кўтариш, мутасадди раҳбарларнинг аҳоли ҳамда халқ вакиллари олдидаги ҳисобдорлик масъулиятини оширишга хизмат қилади. Видеоселектор йиғилишида Президентимиз парламент сўрови бўйича олинган жавобларни Интернетдаги расмий веб-сайтларда кенг жамоатчилик учун эълон қилиш лозимлигини таъкидлади. Бу эса, ўз навбатида, парламент назорати самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Яъни, халқ вакиллари жамият манфаатлари борасида кўтарган масалаларига ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг муносабатини халқ олдида кўрсатиш имконини беради. Бу эса қонунчилигимизда кўрсатилган очиқлик ва шаффофлик тамойилларининг амалда ишлашини таъминлайди, парламент ҳамда жамоатчилик назоратининг таъсирчанлигини оширади.

Ўз навбатида, биз депутатлар зиммасида ҳам тегишли қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фаоллик кўрсатиш, давлатимиз раҳбари билдирган таклифларни амалга ошириш механизмларини қонунларда аниқ ва равшан акс эттириш вазифаси турибди. Бу эса парламентнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали назоратни амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга эга давлат дастурлари ижросини сўзсиз таъминлашда муҳим асос, пировардида миллий парламентни ҳақиқий демократия мактабига айланишига хизмат қилади.



Элдор ТУЛЯКОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Барқарор ривожланиш сари

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, халқимизнинг давлатчилик тарихи, миллий қадриятлари ҳамда жаҳон тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ўзимизга хос ривожланиш йўли – "ўзбек модели" ҳаётга татбиқ қилинганига бу йил 25 йил тўлди.

Ўтган чорак аср давомида бу тараққиёт модели шунчаки бир ғоя, хоҳиш-истак эмас, балки ҳаётбахш куч-қудрат эканлигини амалда тасдиқлади, жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди. Зеро, унинг ҳаётбахш тамойиллари асосида мамлакатимизда ўтган аср тўқсонинчи йиллари ўртасидан бошлаб барқарор иқтисодий ривожланиш суръатлари таъминлаб келинмоқда. Ҳатто глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши ўртача 8 фоиздан кам бўлмади.

Янги жамиятга ўтиш тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишдан бошланди. Шу боис дастлаб мулк, хусусий тадбиркорлик, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, рақобат, корхоналар, инвестициялар, божхона ва солиқ соҳасининг ҳуқуқий асослари яратилди. Шу билан бирга параллел тарзда институционал ўзгаришлар ҳам давом этди: мулкчилик ва хўжалик юритиш, бошқариш шакллари ўзгартирилди, янгилари пайдо бўлди. Бозор инфраструктураси унсурлари — биржа, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ва лизинг компаниялари ташкил этилди. 2000 йил арафасида ялпи ички маҳсулотнинг 65,6, саноат маҳсулотининг 61,4, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 98,7 фоизи ўзимизда тайёрлана бошланди. Қурилиш ишларининг 78, чакана товар айланмасининг 96 фоизи мамлакатда бажарилди. Нодавлат корхоналарда иш билан банд бўлганлар 73 фоизни ташкил этди. Мамлакат уй-жой фондининг 98 фоизга яқини хусусий мулкка айлантирилди. Бу рақамлар янги аср бошига келиб "стратегик чўққи" ишғол этилганини, ўтиш даври тугалланганлигини билдиради. Расмий статистик маълумотларга кўра, ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари 2000 йилда 3,8 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилда 8,5, 2016 йилда 7,8 фоизни ташкил этди. Саноатда ўсиш мувофиқ равишда 5,9, 8,5, 6,6 фоиздан иборат бўлди. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўсиш эса ўтган йили 12,5 фоизга етди.

Иқтисодиётнинг барча тармоқлари ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини таъминламоқда, хизмат кўрсатиш соҳаси, ишлаб чиқариш характеридаги тармоқлар юқори суръатларда ривожланмоқда.

Мазкур рақамлар мамлакат аҳолисининг менталитетига, ишлаб чиқариш хусусиятига ва маданий-техникавий имкониятларига мос келадиган ўз миллий иқтисодиётимизни шакллантириш ягона тўғри йўл эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистон айни пайтда мамлакатни ривожланган давлатлар даражасига кўтарадиган самарали саноат тармоқларини шакллантириш йўлини тутмоқда. Қисқа вақт ичида янги саноат тармоқлари — автомобилсозлик, нефть ва газни қайта ишлаш, доришунослик, ахборот-коммуникация технологиялари йўлга қўйилди. Саноатдаги умумий маҳсулотлар таркибида тайёр маҳсулотлар ҳиссаси 60 фоизга яқинлашиб қолди. Мамлакатимиз саноати минтақада энг диверсификациялашган саноат саналади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар туфайли аниқ-равшан силжишларга эришилган бўлса-да, "табиат қўйнидаги иқтисодиёт" ҳали ўзининг барча имкониятларини рўёбга чиқариб улгургани йўқ.

Иқтисодий ўсиш зарур, аммо у пировардида жамиятга сифат ўзгаришларини олиб келиши керак: ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши аҳоли турмуш даражасининг ўсиши баробарида кечиши лозим.

Ҳозирги пайтда аҳоли реал даромадлари ўсиши ялпи ички маҳсулот ўсишидан сезиларли даражада юқори. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатнинг 2016 йилда ривожланиш якунлари ва 2017 йил вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган йиғилишида республика аҳолиси реал даромадларининг йиллик ўсиши 11 фоизлигини қайд этиб, 2030 йилгача ўзбекистонликларнинг даромадларини ўртача жаҳон даражасидан ошириш вазифасини қўйди. Таркибий ўзгаришлар аввало ана шу масалалар ечимига хизмат қилиши керак. Амалга оширилган таркибий қайта қуришлар натижасида 2000-2015 йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси 14,2 фоиздан 33,5 фоизга, хизматлар улуши 37 фоиздан 55 фоизга ўсди. Мувофиқ равишда қишлоқ хўжалигининг улуши жиддий пасайди. 2030 йилгача саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасини 40 фоизга етказиш масаласи қўйилган. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 57 фоизга етди. Бир йилда 32 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари ташкил этилмоқда. Натижада тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромаднинг умумий даромадлардаги улуши 52 фоиздан ошди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" ишлаб чиқилди. Унинг учинчи асосий бўғини "Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари" деб номланди.

HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

Унда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш вазифаси қўйилган.

Ҳаракатлар стратегияси ўзбек моделининг мантиқий давоми, янги шароитда янада ривожлантириш, мухтасар айтганда келажак лойиҳаси ва кафолатидир. Унда истиқболдаги ривожланиш йўллари аниқ кўрсатиб берилган. Унинг ҳар бир қисми бўйича аниқ дастурлар, чора-тадбирлар ишлаб чиқилаётир, ҳуқуқий ва моддий асослари белгиланмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича қўйилган вазифалар ҳам ниҳоятда долзарб. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки илғор мамлакатлар бугун янги соҳалар — нанотехнология, биотехнология, генлар инженериясини кескин ривожлантириш йўлидан бормоқда. Технологик уклад ўзгармоқда, рақамли иқтисодиётдан илмий иқтисодиётга ўтилмоқда. Шу пайттача иқтисодий тизимнинг аграр, индустриал, постиндустриал турлари маълум эди. Энди тадқиқотчи-олимлар постиндустриал жамиятдан ахборот-интеллектуал жамиятга ўтилаётганлигини қайд этишмоқда. Қизиғи шундаки, агар биринчи технологик укладдан тўртинчисига ўтиш учун камида 60 йил керак бўлган бўлса, ҳозир эса бунга 15-20 йил кифоя бўлмоқда. Олимларимизнинг эътирофича, айни пайтда IX-технологик уклад — космик тамаддун даври яқинлашмоқда. Бундай шароитда бизнинг фақат кузатувчи бўлиб туришимиз мумкин эмас. Мавжуд интеллектуал салоҳиятни ишга солиш, унинг моддий, ташкилий асосларини такомиллаштириш, Ҳаракатлар стратегиясини изчиллик билан амалга ошириш зарур.

Шу боис ҳам Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантиришга бағишланган тўртинчи асосий йўналишида таълим ва фан соҳасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорини замонавий эҳтиёжларга мос юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, унинг ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослашган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш вазифалари қўйилган.м

Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки таълим бошқа товар ва хизматларга нисбатан жадалроқ ўсади.

Ҳозирги кунда олий ўқув юртлари талабалари сони бўйича ривожланган давлатлар билан мавжуд фарқни камайтириш мақсадида таълимнинг анъанавий — кечки ва сиртқи, замонавий — барча учун баробар бўлган инклюзив, on-line, масофали ўқитиш, очиқ ва мослашувчан билим бериш шаклларидан кенг фойдаланиш масаласи кун тартибига қўйилмоқда.

Бундан мақсад мамлакатимиз "бир умрга етадиган таълимдан, умр бўйи таълим олиш" тизимига ўтмоқда. Бу олий мактабдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Қолаверса, олдин иш жойларини яратиб, кейин кадрлар тайёрлашдан малакали кадрларни инновацион билимлар билан қуроллантириш, "ўзига ўзи" иш жойини яратиш тизимига ўтишни рағбатлантириш лозим бўлмоқда.

Инновацион иқтисодиёт — бу билимлар, янги ғоялар иқтисодиёти экан, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш унга ўтишнинг муҳим шартидир. Бунга таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ҳисобига тараққий этаётган мамлакатлар тажрибаси яққол мисол бўла олади. Чунки аграр жамиятда ишлаб чиқаришнинг асосий локомотиви меҳнат бўлган бўлса, индустриал жамиятда — капитал, постиндустриал жамиятда эса таълим ва билимдир.

Инновацион иқтисодиётнинг муҳим йўналишларидан бири ахборот-коммуникация технологияларининг рақамли иқтисодиётга ўтишидир. Аммо уларнинг ҳиссаси мамлакат ялпи ички маҳсулотида ҳали анча паст. Юртимизда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар сони кўпайиб бораётгани, техника, ахборот технологиялари университетларида ва чет эл олий ўқув юртларининг Тошкент шаҳрида очилган қатор филиалларида инноватор кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилгани мазкур соҳанинг яқин келажакда тезда ўсишидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда эса ҳаракатлар стратегиясининг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз. Зеро, бунга барча асослар бор.

Нурислом ТЎХЛИЕВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор

Миллий гурур

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

УМИДАДАН УМИДИМИЗ КАТТА

...Тенгдошларига қараганда анчайин нозик бўлган Умидани онаси аввалига бадиий гимнастикага олиб бормоқчи бўлди. Бироқ унинг ўзи синфдошларига эргашиб таэквондони танлади. Дадаси ҳам аввалига қиз болага бу спорт тури тўғри келармикан, деб иккиланди. Аммо қизининг ишончи, истаги учун рози бўлди. Бугун спортчининг ота-онаси фарзанди эришаётган муваффақиятларини кўриб, танловда адашишмаганига яна бир бор амин бўлдилар.

— Спорт машғулотларига қатнай бошлаган илк кунларим кечагидай есимда, — дейди У.Абдуллаева. — Аввалига анча мураккаб туюлган. Машғулотлардан жуда чарчаган пайтларим болалигимга бориб бошқа енгилроқ спорт турини танласаммикан, деб ўйлаганман ҳам. Бироқ дадам бир ишнинг бошини тутдингми, ортга чекинмагин, деди. Бу сўзлар менга далда берди. Ҳатто мағлубиятлар аламини тотганимда ҳам ортга чекинмайман, деб ўз устимда янада кўпроқ ишлай бошладим. Биринчи устозим — Чирчиқ олимпия захиралари коллежи мураббийси Паҳлавон Собиров менга таэквондо қоидаларини ўргатди. Машғулотлардан чарчаган пайтим далда бўлди, тинимсиз машқ қилишга руҳлантирди. Устозимнинг ҳар бир ўгити, маслаҳати мусобақалар чоғида қулоғим остида янграгандек бўлади. Рақибимга назар солар эканман, "ютқазишга ҳаққим йўқ, менинг ғалабамни кутаётганлар бор", дейман. Мамлакатимизда биз, спортчилар ҳам ўз қобилиятимиз, истеъдодимиз ва салоҳиятимизни намоён этишимиз учун кенг имкониятлар яратилган. Келажакдаги олий мақсадим 2020 йилда Токиода бўладиган Олимпия ўйинларида олтин медалга сазовор бўлиш...

Ёш спортчининг тинимсиз машғулотлари ўз натижасини кўп куттирмади. 2009 йили Сурхондарё вилоятида ўтган мусобақада илк совринни қўлга киритди. Кейинчалик мамлакат миқёсидаги мусобақаларда бир неча бор шоҳсупага кўтарилди. 2012 йили таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига қабул қилинган, тажрибали мураббийлар Александр Ким ва Абдувоҳид Раҳимов бошчилигида маҳоратини ошира бошлади. Ўша йили иштирок этган дастлабки халқаро мусобақаларда совринли ўринларни қўлга кирита олмаган Умида руҳан синмади, балки янада кўпроқ машқ қилди, хатолари устида ишлади.

Бунинг самараси орадан кўп ўтмай билинди: Жанубий Корея очиқ чемпионатида муваффақият қозониб, олтин медални қўлга киритди. 2013 йили Германия, Индонезия, Россия ва Жанубий Кореяда ўтган халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди. 2014 йилда терма жамоа аъзолари билан Миср ва Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган турнирларда тажриба ва маҳоратини оширди. Қизлар ўртасидаги вазни 63 килограммдан юқори бўлган спортчилар баҳсида майдонга тушган Умида Баҳрайн, Мексика, Украина ва АҚШ вакилларини мағлубиятга учратиб олтин медаль ва 2014 йилда Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида кумуш медални қўлга киритди. Умида ўз муваффақиятларини XXI Осиё чемпионатида мустаҳкамлаб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

— Қизим Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритганини ҳануз фахр, ғурур билан хотирлайман, — дейди Умиданинг онаси Дилфуза Бердиева. — У бугунга қадар кўплаб ютуқларга эришди. Мағлубиятлардан ортга чекинмади. Маҳалла-кўй "Умида — бизнинг фахримиз" дейишганида қувончимга қувонч қўшилади. У келажакда етук мураббий бўлишни мақсад қилган.

— Мамлакатимизда спортнинг барча турлари каби таэквондо ҳам изчил ривожланмоқда, — дейди таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийи Паҳлавон Собиров. — Мамлакатимизда фаолият юритаётган олимпия захиралари коллежлари, ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабларида таэквондо (WTF) бўлимлари, қатор спорт секциялари ва тўгараклари мамлакатимиз олимпия захираларини мустаҳкамлаш, маҳоратли спортчиларни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Умида сингари ёшларни спортимизнинг умидли юлдузлари десак, янглишмаймиз. Тиришқоқ, шижоатли ва изланувчан шогирдимнинг мақсади — Олимпиада чемпиони бўлиш. Умиданинг умидлари ушалишига ишонаман.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Нашр

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — БОШ МЕЗОН

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси муассислигида чоп этилаётган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг 2-сони нашрдан чиқди.

Ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган журналнинг бу сонида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти, ундаги ҳар бир йўналиш мамлакатимиз истиқболида муҳим аҳамият касб этиши, юртимиз равнақи йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар аниқ мисол ва рақамлар асосида ёритилган.



"Халқ билан мулоқот — фуқаролик жамияти ривожининг муҳим омили" номли мақолада жорий йилга берилган ном демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида янги босқич вазифасини ўташи алоҳида таъкидланган. "Давлат — фуқаро — жамият" учлиги ўртасидаги мулоқот, ҳуқуқий мувозанат ва ўзаро тенглик барқарор фуқаролик жамиятининг асосий пойдеворидир. "Одамларнинг қалбига қулоқ солиш, уларнинг дардини эшитиш жамиятдаги масалаларни аниқлашга, фуқароларни қийнаётган муаммоларни билишга ёрдам беради, натижада одамларнинг саволларига жавоб топиши осонлашади, инсон манфаатларини таъминлаш масалалари тезлашади", дейилади мақолада.

"Аҳоли мурожаатларини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг функциялари" мақоласида оммавий ахборот воситалари қарорлар қабул қилиш жараёнларидан халқимизнинг хабардорлигини оширишда, ҳуқумат қарорлари жамоатчилик томонидан назорат қилинишида ва оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишини таъминлашда муҳим восита эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Журналнинг янги сонида "Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий иллатларга қарши курашдаги аҳамияти" номли мақолада ҳам бугунги глобаллашув шароитида, яъни инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш кетаётган бир даврда ҳуқуқий маданият масаласи ва маънавиятнинг ижтимоий роли, ёшлар ҳаётидаги ўрни қанчалик даражада муҳимлиги ёритилган. Унда ёшларга "Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучи" дея таъриф берилади.

Шунингдек, журналдан ўрин олган инсон манфаатларини таъминлаш, давлат қарорларини қабул қилишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг аҳамияти тўғрисидаги мақолалар ҳам ўқувчини беэътибор қолдирмайди.

Ўз мухбиримиз

Эълон

"SIRDARYO UNIVERSAL KIM OShDI SAVDO SERVIS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. АТ "Халқ банки" Сирдарё вилоят филиалининг 2017 йил 30 июль кунидаги 09/318-сонли хатига асосан филиал ҳовлисида сақланаётган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли, 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорларига мувофиқ қуйидаги автотранспорт воситалари аукцион савдосига қўйилмоқда:

1.ГБА"НЕКСИЯ"СПГ, давлат белгиси 20 211 ЕАА, 2007 йил ишлаб чиқарилган носоз ҳолда, бошланғич баҳоси – 22 270 000 сўм 2.ГБА"ДАМАС"СПГ, давлат белгиси 20 467 ВАА, 2007 йил ишлаб чиқарилган носоз ҳолда, бошланғич баҳоси – 25 520 000 сўм. 3.ГБА "ДАМАС"СПГ, давлат белгиси 20 543 НАА, 2001 йил ишлаб чиқарилган носоз ҳолда, бошланғич баҳоси – 20 150 000 сўм. 4.ГБА "МАТИЗ"СПГ, давлат белгиси 20 763 ВАА, 2007 йил ишлаб чиқарилган носоз ҳолда, бошланғич баҳоси – 21 790 000 сўм. 5."ДАМАС", давлат белгиси 20 564 ЕАА, 2004 йил ишлаб чиқарилган носоз ҳолда, бошланғич баҳоси – 24 978 805 сўм. 6.ГБА"ДАМАС"СПГ, давлат белгиси 20 280 FAA, 2006 йил ишлаб чиқарилган носоз ҳолда, бошланғич баҳоси – 28 680 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 16 август куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади, сотилмаган тақдирда такрорий савдо 2017 йилнинг 21, 28 – август кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу автотранспорт воситалари билан АТ "Халқ банки" Сирдарё вилоят филиалининг ишончли вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади. Охирги муддати: бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган келишувга асосан, мулкнинг бошланғич баҳосини 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гарров пулини ҳар бир мулк учун алоҳида автомототранспорт воситасининг номи, давлат белгиларини, кўрсатилган ҳолда "SIRDARYO UNIVERSAL KIM OShDI SAVDO SERVIS" МЧЖнинг АТ "Ўзсаноатқурилиш" банк Сирдарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9004 0989 4001, МФО: 00 855, ИНН: 303 121 227. Савдо ғолибига 10 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, А.Навоий кўчаси 46-уй, 310-хона, телефон: 235-03-57. Хизматлар лицензияланган: реестр тартиб рақами № 224, гувоҳнома № 0224, 2014 йил 17 декабрь куни берилган.

Бизнинг шарҳ

АВСТРИЯ ПАРЛАМЕНТИ

ИККИ ПАЛАТАЛИ БЎЛИБ, МИЛЛИЙ КЕНГАШДА 183, ФЕДЕРАЛ КЕНГАШДА 62 ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ

Австрия Республикаси Марказий Европада, Дунай дарёсининг ўрта оқими ҳавзасида жойлашган. Майдони — 83 минг 858 квадрат километр. Маъмурий жиҳатдан 9 федерал ерга бўлинади. Аҳолиси 8 миллион нафардан зиёд. Пойтахти — Вена шаҳри. Амалдаги Конституция 1920 йилда қабул қилинган. Расмий тили — немис тили. Энг йирик шаҳарлари: Вена, Грац, Зальцбург. Давлат бошлиғи — Президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент — Миллий кенгаш (қуйи палата) ва Федерал кенгаш (юқори палата) амалга оширади. Ижро ҳокимиятини Президент ва у тайинлайдиган Канцлер бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Федерал ерларнинг ҳар бири қонун чиқарувчи органга эга. Австрия Европа Иттифоқининг аъзоси саналади. Ушбу мамлакат билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1992 йилдан буён дипломатик муносабатлар ўрнатилган.



Парламент мажлислари Вена шаҳрининг Рингштрассе кўчасида жойлашган 1874-1883 йилларда австриялик меъмор Теофил Эдвард Хансен томонидан неогрек услубида қурилган бинода ўтказилади. Австрия парламенти 1890 йилдан буён Парламентлараро иттифоқ аъзоси саналади.

Миллий кенгаш тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида беш йил муддатга сайланадиган 183 депутатдан иборат. Миллий кенгаш депутатлари қайси партияга мансублигига қараб, фракцияларга бирлашади. Қуйи палатада 37 доимий қўмита фаолият юритади.

Миллий кенгаш раиси ва унинг икки ўринбосари палата аъзолари орасидан бир вақтда сайланади. У қуйи палатада регламентга риоя қилинишини назоратга олади, мажлисларни бошқаради. Борди-ю, палата раиси муайян сабаблар билан ўз ваколатини бажара олмаса, унинг вазифасини ўринбосарларидан бири амалга оширади.

Австрия социал-демократик партияси вакили Дорис Бурес 2014 йилнинг сентябридан буён Миллий кенгаш раиси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Миллий кенгашга сайлов ўтказилгач, Президент ўттиз кун ичида унинг илк мажлисини чақириши лозим. Қуйи палата сессияси 15 сентябрдан бошланиб, кейинги йилнинг 15 июлига қадар давом этади. Президент, Миллий ёки Федерал кенгаш аъзоларининг учдан бир қисмининг талаби билан қуйи палатанинг навбатдан ташқари сессияси ўтказилиши мумкин.

Президент Миллий кенгашни тарқатиб юбориш ваколатига эга. Палата мажлислари очиқ-ошкора тарзда ўтказилади. Миллий кенгаш муайян масалада қарор қабул қилиши учун мажлисда палата аъзоларининг камида учдан бир қисми ҳозир бўлиши ва уларнинг ярмидан кўпининг овози талаб этилади.

Федерал кенгаш федерал ерлар парламенти — ландтаглар сайлайдиган 62 аъзога эга. Ҳудудларнинг аҳолиси сонидан келиб чиқиб уларнинг ҳар биридан камида 3, кўпи билан 12 нафаргача депутат сайланади. Юқори палата депутатлари уларни сайлайдиган ландтагнинг ваколат муддатидан келиб чиқиб, 4 ёки 6 йил фаолият юритади.

Юқори палата мажлисларини унинг раиси чақиради. Депутатларнинг тўртдан бир қисми ёки ҳукумат талаби билан ҳам палатанинг мажлиси ўтказилиши мумкин. Федерал ерларнинг губернаторлари юқори палатанинг барча мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Регламентга мувофиқ, Федерал кенгаш муайян масалада қарор қабул қилиши учун мажлисда палата аъзоларининг камида учдан бир қисми ҳозир бўлиши ва уларнинг ярмидан кўпининг овози талаб этилади. Палата мажлислари очиқ-ошкора тарзда ўтказилади. Юқори ва қуйи палаталарнинг қўшма мажлислари Президент ўз лавозимига киришиши муносабати билан қасамёд қабул қилиш ёки бошқа ҳолларда ҳам ўтказилади.

Парламент депутатлари дахлсизлик ҳуқуқига эга. Улар ўзлари мансуб бўлган палата раҳбарияти рухсатисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас. Фақат жиноят содир этилган жойда қўлга олиниш билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно.

Қонун лойиҳалари Миллий кенгашга мазкур палатанинг депутатлари, Федерал кенгаш ёки унинг учдан бир қисми аъзолари ҳамда ҳукумат томонидан киритилиши мумкин. Қонун қуйи палатада уч ўқишда қабул қилинади. Қуйи палата қабул қилган қонун лойиҳаси юқори палатага тақдим этилади. Федерал кенгашда ҳам қонун лойиҳаси деярли қуйи палатадаги сингари кўриб чиқилади ва муҳокама қилинади. Федерал кенгаш қонун лойиҳасини унга тақдим этилган кундан бошлаб саккиз ҳафта ичида ўз эътирозлари билан қайтаришга ҳақли. Борди-ю, Миллий кенгаш мажлисида палата аъзоларининг камида ярми ҳозирлигида уларнинг кўпчилик қисми қонун лойиҳасини ҳеч бир ўзгартиришсиз, дастлабки ҳолида қабул қилса, қонун имзоланиши ва матбуотда эълон қилиниши шарт.

Миллий кенгаш ҳукумат ёки унинг бирор-бир аъзосига нисбатан ишончсизлик вотумини киритиш ваколатига эга. Ҳар бир палата аъзоларида ўз мажлисларида иштирок этадиган ҳукумат вакилларига савол билан мурожаат қилиш ҳуқуқи бор.

Сайлов муносабати билан мамлакат ҳудудида 43 сайлов округи тузилади. Округлар федерал ерлар чегараси доирасида ташкил этилади. Мамлакатда сўнгги парламент сайлови 2013 йилнинг 29 сентябрида ўтказилди. Сиёсий жараёнда 14 сиёсий партия иштирок этди. Унда Австрия социал-демократик партияси 53 мандатни қўлга киритиб, ғалаба қозонди. Австрия халқ партияси 46, Озодлик партияси эса 42 ўринга эга бўлди. Қолган сиёсий партиялар нисбатан кам овоз олди.



ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

АЭРОПОРТДА РОБОТЛАР ХИЗМАТ КЎРСАТА БОШЛАДИ



"LG Electronics" (LG) компанияси Жанубий Кореянинг Инчхон халқаро аэропортида йўловчиларга ёрдам берадиган робот-гид ва робот-фаррошларни ишга туширди. Бу ҳақда "gazeta.uz" хабар тарқатган.

Робот-гид аэропорт ҳудудида сайёҳларга маълумот ва ёрдам берса, робот-фаррош эса тозалик ишлари билан шуғулланади. LG компанияси жаҳондаги энг йирик ва энг кўп йўловчига эга аэропортлардан бирида шундай янгиликни жорий этиб, ҳар йили тахминан 57 миллион кишига робот-лаштирилган хизматлар кўрсатади. LG муҳандислари сўнгги беш ойда қурилмани такомиллаштирди, синовлар давомида уларнинг самарадорлигини ошириб борди.

LGдан нутқни фарқлаш платформаси туфайли робот-гид аэропортда энг оммабоп тўрт тил — корейс, инглиз, хитой ва япон тилларини тушунади, ташриф буюрувчиларга оғзаки маслаҳатлар беради. Робот аэропортнинг марказий серверига уланиш, қўниш вақти, ресторан ва дўконларнинг жойлашуви ҳамда бошқа кўплаб маълумотларга эга бўлишда ёрдам кўрсатиши мумкин. Робот-гид йўловчи талонини тезлик билан сканердан ўтказиб, кечиккан ёки адашиб қолган кишини парвоз ҳудудигача кузатиб қўяди.

Робот-фаррош тўсиқларни четлаб ўтади. Ундан иш ва жамоат хоналарида ҳам фойдаланиш мумкин. Робот-фаррош қайси ҳудудда тозалаш ишларини кўпроқ бажариш кераклигини аниқлаб, уларни маълумотлар базасида сақлай олади.

ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИГА ЭГА ПОЕЗД ИШГА ТУШИРИЛДИ



Ҳиндистонда DEMU деб номланган, қуёш панеллари билан жиҳозланган илк поезд ишга туширилди, деб ёзади "divo-ra.blogspot.com" сайти.

Поезд лойиҳасини "Indian Railways" давлат компанияси бажарган. Поезд Сафдаржанг станциясидан йўлга чиқди. Энди у Нью-Деҳлидаги ҳалқа йўналиши бўйлаб ҳаракатланади. Унга томида қуёш панеллари жойлашган 6 вагон тиркалган. Поезд дизель двигателлар ёрдамида ҳаракатланади, бироқ ундаги электр асбоблар, бошқарув, эшикларни очиш-ёпиш тизими ва ахборот таблоси қуёш батареялари ишлаб чиқарган электрдан энергия олади.

Битта вагонда 16 қуёш пластинаси жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бирининг қуввати 300 ваттни ташкил этади. Тунда электр таъминоти аккумулятордан олинади. Компания маъмуриятининг айтишича, бундай поезд бир йилда 21 минг литр дизель ёқилғисини, 21 минг долларни тежаш имконини беради. Бир вагоннинг қуёш панелли қурилмаси 14 минг доллар туради. Поезд соатига 80 километр тезлик билан ҳаракатланади.

Поезднинг ишга туширилиши Ҳиндистон темир йўллар вазирлигининг экологик вазиятни яхшилаш ва зарарли чиқиндиларнинг атмосферага чиқарилишини камайтириш давлат дастурининг бир қисми ҳисобланади. Дастур поездларда биоёқилғи, шамол энергияси, сувнинг тежамкорлик асосида ишлатилиши, биотуалетлар ўрнатилишини кўзда тутади. Бундан ташқари, давлат транспорт тармоғи 2020 йилгача қуёш электр энергияси ишлаб чиқарилишини 1000 мегаваттгача, 2025 йилда эса 5000 мегаваттгача оширишни режалаштирган.

Рангин дунё

САЙЁРАМИЗДАГИ ЭНГ ҚУРҒОҚЧИЛ САҲРО

Чили ҳудудида жойлашган Атакама саҳросининг майдони қарийб 105 минг квадрат километрни ташкил этади. Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, у дунёдаги энг қадимий чўл бўлиб, тахминан 20 миллион йил олдин пайдо бўлган.

Атакамада ҳаво ҳарорати Африкадаги Саҳрои Кабирга қараганда салқинроқ. Бироқ у ҳаво таркибида намлик миқдори мавжуд бўлмаган ягона саҳро саналади. Бу ерда намгарчилик даражаси қарийб нолга тенг. Январь ойида ўртача ҳарорат 19-20, июлда 13-14 даража иссиқ. Ёғингарчилик жуда кам кузатилади. Йилига атиги 10 миллиметр ёғин тушади. Бу ҳам 10-15 йилда бир рўй беради. Саҳронинг баъзи ҳудудлари бир неча асрдан буён ёмғир ёғмаслиги билан ажралиб туради.

Чўлда ёғингарчиликнинг деярли кузатилмаслиги, унинг сайёрамиздаги энг қурғоқчил саҳрога айланиб қолганининг муайян сабаблари бор. Маълумки, Жанубий Америка материгига илиқ ва нам тропик ҳаво оқими асосан шарқдан кириб келади. Қитъанинг ғарбий соҳилида Анд тоғи жойлашган. Дунёдаги энг узун ҳисобланган ушбу тоғ нам ҳаво оқимининг ўтишига тўсқинлик қилади. Гап шундаки, чўққилар билан тўқнашган ҳаво оқими совийди ҳамда ёғингарчиликка — ёмғир ёки қор ёғишига сабаб бўлади. Ёғингарчилик асосан тоғ этакларида кузатилади. Бу эса, ўз навбатида, Амазонка дарёсида сув кўп бўлишини таъминлайди. Шу боис у дунёдаги энг серсув ва йирик дарёлардан бири саналади.

Яна бир жиҳати — чўлнинг ғарбий қисми Тинч океанига туташ. Океандаги Перу оқими атмосферанинг қуйи қатламини совутади. Натижада унинг юқорисида ҳаво ҳарорати тушиш ўрнига ошиб боради. Бу саҳро ҳудудида ёғингарчилик бўлишига йўл қўймайди. Ана шундай омиллар бу ерда қуруқ иқлимни юзага келтиради. Мураккаб иқлим шароитига қарамай саҳро ҳудудида одамлар умргузаронлик қилади. Унинг атрофида ҳатто мамлакатдаги энг йирик порт-шаҳарлардан саналадиган Арика ва Икике жойлашган.

Саҳро ҳудудидан Лоа дарёси оқиб ўтади. У Анд тоғларидан бошланиб, Тинч океанига қуйилади. Саҳрода лишайник, сув ўтлари учрайди, кактуснинг 160 дан зиёд тури ўсади. Уларнинг 90 тасини фақат Атакама саҳросида учратиш мумкин. Бу ерда аҳён-аҳёнда кузатиладиган сув буғидан иборат туман сув манбаи ҳисобланади. Ҳаво ҳарорати кўтарилган пайтда сув буғлари йиғилиб томчига айланади. Саҳродаги айрим тирик организмлар туман туфайли ҳосил бўладиган ана шундай сув томчилари ҳисобига яшайди.



Бугун Атакама сайёҳларни чўл бағрида жойлашган "Саҳро қўли" деб аталган ҳайкал билан ҳам ўзига жалб қилмоқда. У Антофагаста шаҳридан 75 километр жанубда жойлашган. Ҳайкал инсоннинг чап кафти шаклида ишланган бўлиб, гўё ер бағридан ўсиб чиққандек таассурот қолдиради. Унинг баландлиги — 11 метр. Ноодатий ҳайкални чилилик ҳайкалтарош Марио Ираррасабаль ясаган. Ҳайкалтарошнинг ғоясига кўра, унинг бу асари инсоннинг табиат олдидаги ожизлигини ифодалайди. Санъат асари илк маротаба 1992 йилнинг 28 мартида оммага расман намойиш этилган.

Бугун саҳро бағрида жойлашган ушбу ҳайкал реклама роликлари, мусиқий клиплар тайёрланадиган масканлардан бирига айланган. Бироқ ушбу ҳайкалга граффити санъати ишқибозларининг расм чизиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Шу боис уни тез-тез тозалаб туришга тўғри келмоқда.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Абитуриент — 2017

"ЎЗЭКСПОМАРКАЗ"ДА БИРИНЧИ МАРОТАБА ТЕСТ СИНОВЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Эрта тонгдан пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" кўргазмалар мажмуаси Тошкент давлат юридик университетида ўқиш ниятида ариза топширган 6 минг 120 дан ортиқ абитуриент, уларнинг ота-оналари, яқинлари ҳамда тест жараёнларининг белгиланган талаблар доирасида ўтишини таъминлашга масъул идоралар вакиллари билан гавжум бўлди.

Малакали кадрлар тайёрлаш, ёшлар бандлигига алоҳида эътибор қаратиш, олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масаласи 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳим вазифа сифатида белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 5 майдаги "2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги, жорий йил 28 апрелдаги "Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари мамлакатимизда юридик соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида Тошкент давлат юридик университети томонидан ўтган йиллардан фарқли ўлароқ жорий йилда тест синовлари "Ўзэкспомарказ"нинг ҳар бири 1 мингдан зиёд абитуриентни қамраб олувчи павильонлари ва бошқа биноларида ўтди. Бу янгича ёндашувнинг концепцияси, аввало, барча абитуриентлар учун тенг шарт-шароитларни яратиш, тест синовларини ўтказиш жараёни юзасидан бир хил назоратни таъминлашдан иборатдир.

— Тест синовларининг боришини сифатли ташкил этиш учун нафақат университетимиз, балки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари вакиллари, 130 дан ортиқ прокуратура ходимлари ҳам жалб қилинди, — дейди университет қабул комиссияси раиси ўринбосари Мансурхон Камолов. — Абитуриентлар тест синовлари ўтадиган павильонлар, аудиторияларга етиб келгунларига қадар бир неча босқичли мукаммал назорат постларидан ўтди. Бунда масъул вакиллар томонидан индивидуал текширувлардан тортиб, махсус замонавий текширув жиҳозлари имкониятларидан самарали фойдаланилди. Биноларга махсус видеокузатув камералари ўрнатилиб, тест жараёни тўғридан-тўғри абитуриентларнинг ота-оналари, яқинлари учун ҳозирланган кутиш майдонларидаги уч йирик мониторга ҳамда интернет тармоғи орқали кенг жамоатчиликка узлуксиз узатиб турилди.



...Эрта тонг. Абитуриентлар тест синовларини топшириш учун бирин-кетин дастлабки назорат постларидан ўта бошлади. Она барибир она-да, боласини қийналмасин, дейди. У ўғлининг фуқаролик паспорти муқоваси орасига тарих фанидан муҳим саналар ва бошқа қисқа маълумотлар ёзилган "шпаргалка"ни жойлади. Фарзандини бундан хабардор ҳам қилди.

Йигит биринчи "довондан" яхши ўтди: ҳеч ким, ҳеч нарсани сезмагандай туюлди. Лекин у навбатдаги "босқич"да таваккал қилишни истамади. Чунки у бинога яқинлашган сари нафақат текширув кучайиб борар, балки ўзи учун тўғри хулоса чиқаришга чорловчи шиорлар кетма-кетлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди... У назоратчиларга паспорти орасидан қоғозчани ўзи олиб берди. Ва енгил бўлиб, яхши кайфиятда имтиҳонга кириб кетди.

— Мактабда талаба бўлиш иштиёқи билан ҳақиқий абитуриентлардек тайёрлана бошлаганман, — дейди қумқўрғонлик абитуриент Мусурмон Маматқулов. — Туманимиздаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежини аъло баҳоларга тамомлашга ҳаракат қилдим. Кўпчилик менга тест жараёнига киришда абитуриентлар ўзи билан бир "имкон"ини топиб қўл телефони, шпаргалкалар, ҳатто, китоблар ҳам олиб кириб, фойдаланади, деб айтишган. Бундай йўл тутилса, абитуриентлар ўртасида соғлом рақобат бўлмаслигини кўп ўйлаганман. Лекин бугун бу ерда ҳаммаси бошқача эканини кўриб хурсанд бўлдик. Имтиҳон олинадиган аудиторияларга яқинлашишимиз билан турли огоҳлантириш ва чорловлар ёзилган баннерларни кўриб хотиржам бўлдик. Чунки бу чорловларга амал қилиб, имтиҳонга олиб кириш мумкин бўлмаган буюмларни кўпчилик ўзи чиқариб берди. Дастлаб, "Тест синовлари қатъий назорат остида бўлиб ўтади. Истисноларга йўл қўйилмайди", деб ёзилган баннерга кўзим тушди. Бу огоҳлантириш павильонга яқинлашган сари қатъий, кескин тус олади. Масалан, "Телефон ва бошқа тақиқланган предметлар олиб киришга уринганлар тест синовларидан четлаштирилади", "Ўз билимингизга ишонинг! Таваккал қилиб, нотўғри йўлдан бориб, яна бир йил умрингизни зое кетказманг!". Энг охирги қизил чизиқ тортилган шартли чегарада ёнидаги баннерда "Охирги огоҳлантириш! Бу белгидан ўтгандан кейин тақиқланган предметларни олиб кирган абитуриентлар ҳеч қандай истисносиз тест синовларидан четлатилади!" деб ёзилган. Бу огоҳлантириш нотўғри хаёл билан тестга келган тенгдошларимни ўз вақтида, тўғри хулоса чиқаришга ундади, деб ўйлайман.

Барча павильон ва аудиториялар ичимлик суви, совутиш тизими, зарур ҳолларда фойдаланиш учун овоз кучайтиргичлар билан таъминлангани тест жараёнининг янада сифатли ўтишига хизмат қилди.

— Мана шу катта экрандан ўғлим Аброрбек тест ишлаб ўтирган хонани кузатиб турдик, — дейди Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидан келган Холидахон Халилова кутиш майдончасидаги суҳбатимизда. — Бировнинг ноўрин ҳаракат қилаётганини, телефон ё бошқа бирор нарсадан фойдаланаётганини, ким-кимгадир ёрдам бераётганини кўрмадик. Бундан биз ота-оналар, албатта, жуда хурсанд бўлдик. Айтганча, шу тест жараёнларини интернетдан қишлоқдагилар — қариндошларимиз ҳам кўришибди. Имтиҳонларни бу усулда ўтказишни оммалаштиришса яхши бўлар эди.

Икром АВВАЛБОЕВ,
Темур МАМАДАМИНОВ (сурат),
ЎзА

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

КАРТОШКА ХОЛЕСТЕРИННИ КАМАЙТИРАДИ

Таркибида углеводлар кўплиги, калий, фосфор, турли витаминлар, айниқса, энг тўйимли модда — крахмал мавжудлиги туфайли картошкага "иккинчи нон", деб таъриф берилган.

Сервитамин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сирасига кирувчи картошка ўзининг оғриқсизлантирувчи ва пешоб ҳайдовчи хусусияти билан ҳам ажралиб туради: таркибидаги калий организмдан ортиқча сувни чиқариб ташлайди. Танада меъёрдан кўп тўпланган кислоталарни зарарсизлантиради. Моддалар алмашинуви, юрак ва ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди. Жигар хасталикларида тавсия этилади. Картошка таркибидаги крахмал организмдаги холестерин миқдорини камайтиради.

Картошка иммунитетни оширади. Қиш кунлари эрта тонгда бир стакан хом картошка шарбатини ичиш шамоллашнинг олдини олади, сочларнинг қалинлашишига ёрдам беради. Бунинг учун бир нечта картошкани қирғичдан ўтказиш, сочларнинг илдизига суртиш, 20 дақиқадан сўнг ювиб ташлаш тавсия этилади. Ҳафтада ҳеч бўлмаганда икки марта ушбу муолажани қўллаш сочларнинг қалинлашишини таъминлайди. Картошка шарбати жигар ва ўт пуфагини заҳарли моддалардан тозалайди, органлар фаолиятини яхшилайди. Қолаверса, у мушаклардаги шамоллашни даволаш учун ҳам энг яхши воситадир. Янги картошканинг шарбати ошқозон яраси касалликлари ҳамда жиғилдон қайнашида даво ҳисобланади. Шунингдек, у артритни даволашда ҳам тавсия этилади.

Картошка янги бўлса, уни пўсти билан қайнатган маъқул. Чунки бу усул фойдали моддаларнинг сақланиб қолишига ёрдам беради. Картошка пўстлоғи таркибидаги соланин органик бирикмаси инсон саломатлигига зарарли бўлиб, уни истеъмол қилиш организмнинг заҳарланишига олиб келиши мумкин. Ушбу моддадан, айниқса, ҳомиладор аёллар эҳтиёт бўлишлари зарур. Сабаби у ҳомилага зарар етказади. Уч ойдан ортиқ сақланган ёки яшил картошка истеъмол қилинса, бош айланиши, асаб тизими бузилиши, қорин соҳасида оғриқ, ич кетиш ва қайт қилиш каби ножўя ҳолатлар кузатилиши мумкин.

Картошка танлаётганда яшил ранглисини олмаган маъқул. Сабаби унда зарарли модда юқори бўлади. Усти қаттиқ ва силлиқ бўлган картошка сифатлидир. Ўртача ва кичикларини харид қилиш мақсадга мувофиқ. Сабаби катталарида фойдали элементлар уч баробар кам бўлади. Уч ойдан кўп сақланган картошкадаги соланин миқдорини камайтириш учун унинг пўстини қалинроқ артиш ҳамда тузга белаб қўйиш лозим. Ушбу зарарли модда асосан пўстлоқ остида тўпланади, туз эса соланинни чиқариб ташлаш ҳусусиятига эга.

БИЛАСИЗМИ?

● Жалюзи сўзи французча "jalousie" сўзидан олинган бўлиб, "рашк" маъносини англатади.

СУЗУВЧИ ИЛК ШАМОЛ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ

Шотландиянинг шимоли-шарқий қирғоқларида, Питерхед шаҳри яқинида 20 минг хонадонни электр энергияси билан таъминлашга мўлжалланган шамол электростанциясини ўрнатиш ишларининг якунловчи босқичи бошланди.

Ҳозирда шамол генераторларидан биттаси етказиб берилди. Қолган тўрт тасини яқин вақт ичида етказиш мўлжалланмоқда. Турбиналар ишлаб чиқарувчи "Statoil" компанияси (Норвегия) мутахассисларининг таъкидлашларича, сузувчи шамол генераторлари электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича ўзининг кўчмас муқобиллари билан бемалол беллаша олади.

Сузувчи генераторларнинг тузилиши ўзига хос: сув сиртида 175 метрли минора қад кўтариб туради, генераторнинг умумий баландлиги 253 метрни ташкил қилади. Битта миноранинг оғирлиги 11,5 тонна бўлиб, ҳар бир генераторнинг қуввати 6 мегаваттга тенг. Шамол станцияси минорасини бир жойда ушлаб туриш учун денгиз тубида бир километр чуқургача маҳкамлаб қўйиладиган уч лангарли пўлат арқондан фойдаланилади. "Statoil" компанияси шамол варракларининг ҳужум бурчагини ўзгартира оладиган махсус дастурий таъминот ўрнатган. Бундай технология нафақат шамол кучини самарали қўллаш, балки довуллар, тўлқин ва оқим оқибатида юзага келадиган тебранишларни ҳам камайтиришга имкон беради.

Яқин ҳафта ичида бешта шамол генератори ўзининг муқим жойи —Питерхед шаҳридан 25 километр узоқликда жойлашган ҳудудга етказилади. Мазкур жой бежиз танланмаган. Биринчидан, мазкур ҳудуд у қадар чуқур эмас — 120 метрга тенг. Қолаверса, бу ерда шамолнинг ўртача йиллик тезлиги юқори ва барқарор — сониясига 10,1 метрга етади. Шамол электр станциясининг умумий қуввати 30 мегаваттни ташкил этади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Эълон!

"Ўзбекистон" республика санаторийлари фаолиятини қайта тиклаш ва модернизациялаш жамоат фонди Васийлик Кенгашининг 2017 йил 7 февралдаги 15-сонли баённомасига асосан "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ томонидан 156,4 миллион сўм ҳомийлик пул маблағи ўтказилди.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 58-умумтаълим мактаби томонидан Тураходжа Шохрух Ахмад номига 2011 йилда берилган № 5206222 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Обод гўша

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Шу кунларда Қашқадарёда Абу Муин Насафий хотирасига атаб янги мажмуа барпо этилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 12 июлда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракат вакиллари билан бўлган учрашувдаги маърузасида буюк алломанинг маънавий-илмий меросини ёшларга етказиш борасида алоҳида тўхталди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бу каби эзгу ишларга қаратилган таклиф-ташаббуслар билан чиқиши лозимлиги хусусида фикрлар билдирган эди.



Буюк аллома ва мутафаккир Абу Муин Насафий 1027 йилда Насаф, ҳозирги Қарши шаҳрида таваллуд топган. Бу шариф зот Бухоро ва Самарқандда таҳсил олиб, калом илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Абу Мансур Мотуридий асос солган мотуридия таълимотининг дунё бўйлаб кенг тарқалишида муҳим роль ўйнаган. Исломий эътиқод поклиги масаласида ўндан ортиқ китоблар ёзган ва улардан "Табсир", Тамҳид" ва "Баҳр ул-калом" асарлари бизгача етиб келган. Бу асарларда дин масаласида адашганларга тўғри йўл кўрсатилган. Ақида масалалари чуқур илмий таҳлил этилиб, мотуридия таълимоти моҳияти очиб берилган. Бугун ёшларни турли диний оқимларнинг бузғунчи ғояларидан асраш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда Абу Муин Насафий илмий-маънавий мероси муҳим аҳамиятга эга.

Абу Муин Насафийнинг қабри Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида жойлашган. Ушбу жойни ободонлаштириш, зиёратга келувчилар учун турли қулайликлар яратиш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. 2013 йилда давлат Дастурига киритилиб, қайта реконструкция қилиниши режалаштирилган мазкур зиёратгоҳда айни пайтда қурилиш ва таъмирлаш ишлари авж паллага кирган. Шу пайтгача 26 сотих ер майдонини ташкил этган бу зиёратгоҳ эндиликда 1 гектару 20 сотихга кенгайтирилди.

— Бу жой дастлаб зиёратгоҳ сифатида XI-XIII асрларда бунёд этилган, — дейди Қовчин қишлоқ имом хатиби Шавкат Каримов. — Ўша даврда қурилган зиёратгоҳнинг шарқий дарвозаси ҳали ҳам ўз кўрки ва салобатини йўқотгани йўқ. Шу боис бу дарвоза, қадимги чор эшик, ҳужра, дахтархона, яъни хотин-қизлар мадрасаси, қудуқ, мақбара ва унинг пишиқ ғиштли деворларини ўз жойида сақлаб қолиш режалаштирилган. Зиёратгоҳда бундан ташқари, XII асрга тегишли бўлган, чуқурлиги 26 метр, диаметри эса 1,5-1,5 метрли қудуқ ҳам бор. Қудуқ ўша даврларда зиёратгоҳ ҳудудидаги мадрасада таҳсил оладиган талабалар ва карвонлар учун хизмат қилган.

Президентимиз шу йилнинг февраль ойида Қашқадарё вилоятига сафари давомида Абу Муин Насафий зиёратгоҳининг лойиҳаси билан ҳам яқиндан танишди. Ўшанда бу зиёратгоҳнинг бугунги давр билан уйғун бўлиши, уни меҳмонлар эътиборини тортадиган, ҳавасини уйғотадиган манзарали ва обод гўшага айлантириш борасида ўз таклиф ва тавсияларини берганди. Бугунги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ана шу асосда олиб борилмоқда, унинг туристик салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, қадамжога олиб келадиган марказий йўлнинг ўнг томонидан ўрин оладиган замонавий чойхона, новвойхона, савдо дўконлари, имом ва ноиблар хоналари шарқона услубда қурилаётир.

Айниқса, лойиҳадан ўрин олган кутубхона ва музей ташриф буюрувчи меҳмонлар учун катта туҳфа бўлади. Кутубхонада Абу Муин Насафийнинг илмий, маърифий ва диний китоблари, музейда эса турли қўлёзмалар, у кишидан ёдгорлик сифатида қолган чироқлар, лавҳлар, қадимий ўймакорлик тошлари, сопол буюмлар сақланади. Шунингдек, музейда зиёратгоҳнинг аввалги ва ушбу таъмирдан кейинги ҳолатлари акс этган суратлар қўйилади. Бу табаррук жойда барпо этиладиган боғ чиройли ва кўркам, манзарали дарахтлар билан яна-да гўзал қиёфа касб этади.

— Зиёратгоҳ 2018 йилда тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган, — дейди Қарши туман ҳокими ўринбосари Ботир Расулов. — Лойиҳада белгиланган ҳар бир объект бу ерга ташриф буюрувчи меҳмонлар ва хорижлик сайёҳлар эътиборини тортиши, уларда катта таассурот қолдириши ва зиёратга келувчилар сонининг ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Улуғ аждодларимиз қолдирган бой меросни сақлаш, уларни келгуси авлодларга етказиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар тарихимиз ва келажагимизга бўлган юксак эътиборнинг намунаси, албатта. Бундай амалий ишлар халқимиз, айниқса, ёш авлодни буюк аждодимиз бебаҳо мероси билан яқиндан таништириш, уларнинг маънавий оламини бойитиш ҳамда ёт ғоялар таъсиридан асрашга хизмат қилади.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 816, Адади — 5302. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Дилфуза РЎЗИЕВА
Навбатчи: Ойдин АЛИМАРДОНОВА
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 22.15. Топширилди — 00.35.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003
12345